



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА

МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

2021



“Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизning барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимиизга қўйган юксак мэрраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”.

Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	6
I БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲАМДА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати ва вазифалари.....	7
1.2. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари.....	10
1.3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар.....	13
1.4. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгashi ва унинг ҳудудий кенгашлари.....	17
1.5. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги.....	22
II БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ПРЕВЕНТИВ ТИЗИМНИ ЯРАТИШ.....	23
2.1. “Коррупциясиз соҳа” ва “Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳаларини амалга ошириш.....	23
2.2. Давлат ва жамият бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш.....	32
2.3 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси.....	35
2.4 Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, жамоатчилик назоратини ривожлантириш.....	37
III-БОБ. ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК.....	40
3.1. Халқаро индекс ва рейтинглар.....	40
3.2. Халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари.....	43

IV. БОБ. КОРРУПЦИЯ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ ВА ТАДҚИҚОТЛАР.....	48
4.1 Таълим ва малака ошириш тизими.....	48
4.2. Социологик, махсус, илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар холати.....	49
ХУЛОСА.....	53
ТАКЛИФЛАР ВА ТАВСИЯЛАР.....	54
ИЛОВАЛАР	58

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнданги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этилиб, унинг зиммасига ҳар йили оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши лозим бўлган “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани” (кейинги ўринларда – Миллий маъруза) тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Ушбу вазифа ижросини таъминлаш мақсадида мазкур Миллий маъруза тайёрланди.

Миллий маърузанинг мақсади: Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ушбу йўналишда 2021 йил мобайнида амалга оширилган ҳуқуқий, ташкилий-амалий ҳамда институционал ислоҳотлар натижалари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш ҳисобланади.

Миллий маърузада мамлакатимиизда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар ва комплекс чора-тадбирлар, хусусан, норматив-ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ҳамда такомиллаштирилиши, коррупцияга қарши курашишга масъул органларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятида эришган ютуқлари, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган амалий чора-тадбирлар, коррупциянинг идрок этиш дараҷасини мустақил баҳолаш натижалари, жамоатчилик ва халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари тўғрисида ҳисбот берилади.

Асосий эътибор коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган превентив чора-тадбирлар, хусусан, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик кайфиятини шакллантириш, аҳолининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлат идоралари ва ташкилотларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган чоралар, давлат хизматига “ҳалоллик вакцинаси”ни жорий қилиш, коррупция ҳавф-хатари юқори бўлган соҳаларда “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш, давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш масалаларига қаратилди.

Миллий маъруза Агентлик томонидан тайёрланган **биринчи маъруза** ҳисобланади.

Миллий маъруза тузилиши жиҳатдан кириш, 4 та боб, хулоса, таклиф ва тавсиялар ҳамда иловалар қисмидан иборат.

Миллий маъруза кенг жамоатчилик, хусусан, давлат органлари вакиллари, мустақил экспертлар, рейтинг агентликлари, жамоат фаоллари, олимлар ва бошқа манфаатдор шахслар учун мўлжалланган.

I БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲАМДА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати ва вазифалари

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиришнинг дастлабки қадами бу – **давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан** лавозимига киришган илк кунларданоқ “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг имзолангани бўлди.

Мазкур қонун билан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг **3 та устувор йўналиши** белгиланди:

- 1** аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- 2** давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- 3** коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Мазкур қонун қабул қилинганидан сўнг ўтган **5 йил** давомида давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган **80 дан ортиқ**, шундан бевосита коррупцияга қарши курашиш соҳасини тартибга солувчи **10 дан** зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича **3 та давлат дастурининг** (2017, 2019, 2021) қабул қилиниши орқали, ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ҳар йил белгилаб олиш амалиёти жорий этилди.

2021 йил давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги **давлат сиёсатини** амалга ошириш мақсадида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Хусусан:

1

Илгор хорижий тажриба асосида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш механизми жорий этилди.

(Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 декабрдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 829-сон қарори қабул қилинди).

2021 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган **18 нафар** фуқаро турли кўринишда рағбатлантирилди;

2

Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу борада оммавий ахборот воситалари ролини оширишга қаратилган муҳим концептуал хужжатлар қабул қилинди;

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тасдиқланиб, унда коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштиришга доир қатор вазифалар белгилаб берилди;

4

Бир-бирини тақрорловчи ваколатларга эга давлат органларини оптимизация қилиш, уларнинг ихчамлигини ошириш, давлат бошқарувида бюрократияни камайтириш бўйича чоралар кўрилди.

(Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириши ва штат бирликлари сонини қисқартириши тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, давлат органлари ходимларининг сони **15 фоизгача** мақбуллаштирилиши натижасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг идоравий ва ҳудудий бўлинмаларида жами **5 288 та** штат бирликлари, вазирлик ва идораларнинг **40 нафар** раҳбар ўринбосарлари лавозимлари қисқартирилди);

5

Давлат бошқаруви тизимида “инсон омили”ни камайтириш ҳамда давлат ва жамият бошқарувига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишлари янада ривожлантирилди.

(Маълумот учун: Маъмурий ва бюрократик тўсикларни бартараф этиши, рўйхатга олиш, лицензиялаш ва рухсат бершига доир тартиб-таомилларни соддалаштириши ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириши мақсадида барча ҳудудларда жами **201 та** давлат хизматлари марказлари ташкил этилди. Марказлар томонидан 2020 йилда **148 турдаги** давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, 2021 йилда уларнинг сони 166 тага етказилди);

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

6

Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида **коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари** фаолияти йўлга қўйилди;

Маълумот учун: 2021 йилда ва ҳозир республика даражасидаги давлат ва хўжалик ташкилотларида ички назорат тузилмалари фаолияти тўлиқ йўлга қўйилган.

7

“Коррупциядан ҳоли қонунчилик” тамойили асосида қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартиби жорий этилди.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар босқичма-босқич коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши белгиланди.

Шунингдек, **2022 йил 1 январдан** бошлаб илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари вакиллари ҳамда жисмоний шахсларга – мустақил эксперталарга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши **илмий ва мустақил экспертизадан** ўтказиш ҳуқуқи берилди;

8

Давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча тартиб-таомилларни қисқартириш, бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан **450 дан** ортиқ қонун ҳужжатида белгиланган **18 турдаги** маълумот ва ҳужжатларни аҳоли ҳамда тадбиркорлардан талаб қилиниши бекор қилинди, ушбу ҳужжатларни ваколатли давлат органи томонидан “Электрон ҳукумат” платформаси орқали олиш тартиби жорий этилди;

9

Коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган соҳа ва тармоқларда **“Коррупциясиз соҳа”** ва **“Коррупциясиз ҳудуд”** каби лойиҳалар капитал қурилиш, олий таълим, соғлиқни сақлаш ва давлат харидлари тизимларида амалга оширилмоқда.

“Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳаси Наманган вилоятининг Давлатобод туманида эксперимент тарзида амалга оширилмоқда, кейинчалик республикамизнинг барча минтақаларига татбиқ қилиш режалаштирилган;

10

Давлат харидларини амалга оширишнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилди. Янги таҳrirдаги Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари түгрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

(Маълумот учун: 2022 йил 1 январдан бошлаб, барча давлат харидлари (энг яхши таклифларни танлаш ва тендер орқали харид қилиш) тартиб-таомилларини мажбuriй тартибда электрон шаклда ўтказилиши белгиланди).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

1.2. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари

Коррупцияга қарши курашиш соҳасининг ҳуқуқий ва институционал асосларини мустаҳкамлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияга имкон берувчи ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, коррупцияга қарши курашувчи ваколатли органлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда улар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлашга қаратилган **20 дан зиёд** қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

2021 ЙИЛДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ ҲАМДА МАНФААТДОР ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг

4 та Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

5 та Фармони, **4** та Қарори

Коррупцияга қарши курашиш
Миллий кенгashi томонидан

2 та Низом

Вазирлик ва идораларнинг

5 та ички идоравий ҳужжатлари
қабул қилинди

Шунингдек, Агентлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ҳамда унинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ваколат ва вазифаларини белгилашни назарда тутивчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди:

- ✓ 2021 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш түғрисида”ги ЎРҚ-729-сон қонун қабул қилинди.

Қонун билан “Коррупцияга қарши курашиш түғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритиш орқали Агентлик коррупцияга қарши курашувчи органлар **қаторига киритилди** ва унинг ваколатлари мустаҳкамланди;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-34-сон Қарор қабул қилинди.

Қарорга асосан Агентликда унга юклатилган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни молиялаштиришга кўмаклашувчи, юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси** ташкил этилди ҳамда Агентлигининг **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик** қилиш тартиби белгилаб берилди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармонига мувофиқ, давлат ҳокимияти бошқарув органларининг очиқлик фаолиятини назорат қилиб бориш учун Агентликка қўшимча вазифалар юклатилиб, унинг таркибида **давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси** ташкил этилди.

Агентликка очиқликни таъминлаш бўйича белгиланган талабларнинг ижросини мониторинг қилиш вазифаси юклатилди. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методика асосида ҳар йили якуни бўйича давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг очиқликка оид мажбуриятлари баҳоланиб, йил якунига кўра, **Очиқлик рейтинги** эълон қилиниб борилиши белгиланди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 авгуустдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6300-сон Фармонига асосан **2022 йил 1 январдан** бошлаб, барча молиявий назорат тадбирлари фақатгина назорат ишларининг **йиллик дастурига** киритилган субъектларда амалга оширилиши, давлат молиявий назорати тадбирлари, шу жумладан, ички аудит тадбирларининг ягона электрон базаси “**Давлат аудити**” дастурий таъминотининг ишга туширилиши белгиланди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги “**Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПФ-6313-сон Фармони билан **2022 йил 1 январдан** бошлаб, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат харидлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларда **мажбурий равишда коррупцияга қарши қўшимча шартлар** киритиш мажбурияти белгиланди.

Янги нормага асосан бир тараф томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади;

- Корпоратив ва бюджет буюртмаларида давлат хариди тизимини янада такомиллаштириш ҳамда коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сон Қарори билан Давлат харидларини амалга ошириш жараёнлари **алоҳида тартибда** назорат қилинадиган **айрим корпоратив ва бюджет буюртмачилари рўйхати** тасдиқланди.

Ушбу рўйхатга **24 та** корпоратив ва **7 та** бюджет буюртмачилари киритилган бўлиб, рўйхат асосан давлат харидларини амалга оширишда бюджетдан катта миқдордаги маблағлар сарфланиши ҳамда коррупцион хавф-хатарлар даражаси юқорилиги инобатга олиб шакллантирилган.

Ер участкаларини ажратиш ва бошқа шу каби ер муносабатлари билан боғлиқ коррупцион ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер участкаларини ажратишда коррупциявий омилларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги “**Ер муносабатларида тенглик ва шаффофоникни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПФ-6243-сон Фармони қабул қилинди.

Фармон билан ер ажратишда белгиланган барча истисно ва имтиёзлар тугатилди, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер ажратишдаги ваколатлари тартибга солиниб, ҳоким қарори асосида ерларни тўғридан-тўғри ва текинга бериш амалиёти бутунлай бекор қилинди.

Ерларни фақат **аукцион орқали** сотилиши белгиланиб, натижада 2021 йил биринчи ярим йиллигига ҳокимият вакиллари томонидан ер билан боғлиқ **28 та** коррупцион жиноят содир этилган бўлса, 2021 йил иккинчи ярим йиллигига ушбу турдаги жиноятлар сони **17 тага** ёки **61 фойзга камайишига эришилди**.

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш, ички назорат тузилмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш, уларни ташкил этиш тартибини белгилаш мақсадида Агентлик директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 27-сонли буйруғи билан **“Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низом”** тасдиқланди;

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларида коррупцион омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги буйруғи билан **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом”** тасдиқланди.

Ушбу низом билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказувчи ваколатли органлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экспертизадан ўтказиш босқичлари, коррупцион омилларни аниқлашга қаратилган чеклист тўлдириш тартиби жорий этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

1.3. Коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар фаолияти

Давлатимиз раҳбари томонидан ўтган даврда суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини лавозимга тайинлаш, танлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, коррупция ҳолатларига йўл қўйилмаслиги бўйича аниқ манзилли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш түғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига асосан коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари сифатида Агентлик, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Іктисадий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва бошқа давлат органлари белгиланган.

Қайд этилган органлар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиб келишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6257-сон Фармони билан коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш **барча даражадаги давлат органлари** раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси этиб белгиланди.

Бош прокуратура, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигига коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш учун барча куч ва воситаларни сафарбар этиш вазифаси юклатилди.



Бош прокуратура ва унинг қуи тизимлари томонидан коррупцион ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, ушбу йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва давлат дастурларининг ижросини таъминлаш билан боғлиқ самарали фаолият олиб борилмоқда.

Жумладан, Жиноят кодексида коррупцияга оид жиноятлар тоифасига киравчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш мақсадида Бош прокуратура томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодексига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш түғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан коррупцияга оид жиноятлар учун белгиланган жазо чораларини узоқ муддатли озодлиқдан маҳрум қилиш жазо чорасигача кучайтириш, даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган ноқонуний бойлик орттирганлик учун жавобгарлик ўрнатиш, коррупцияга оид жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноий жазони ўташда енгиллаштирувчи нормаларни қўллашга чеклов белгилаш бўйича нормалар киритилган. Лойиҳа ҳозирда Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Бош прокуратура томонидан **мактабгача таълим, ҳалқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш, бандлик, транспорт вазирликлари** тизимида содир этилган коррупциявий жиноятлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилиниб, якунлари бўйича мазкур соҳаларда содир этилган жиноятларга имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида тегишли вазирлик ва идораларга **6 та тақдимнома** ва **Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашига** ахборотлар киритилган.

Шунингдек, **олий таълим, маҳалла, сув ҳўжалиги, уй-жой коммунал хўжалик** вазирликлари тизимида содир этилган коррупциявий жиноятлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳақида тегишли вазирлик ва идораларга **4 та тақдимнома** киритилиши орқали мазкур вазирликлар томонидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиши таъминланган.

Давлат мулки ва бюджет маблағларининг сарфланиши тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича жойларга **554 та тақдимномалар** киритилган, қонунга зид бўлган ҳужжатларни бекор қилиш ёки мувофиқлаштириш юзасидан **159 та протест** келтирилган.

2021 йилда прокуратура органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича жами **8 394 та тадбир**, шундан **15 та конференция**, **154 та семинар** ва **2 449 та давра суҳбати** ўтказилган, **1 621 маротаба** оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, **340 маротаба** телевидениеда, **531 маротаба радио**, **174 маротаба матбуотда** ва **576 маротаба** интернет тармоғида чиқишилар қилинган.



Ички ишлар органлари тизимида **102 ягона** қисқа рақамли автоматлаштирилган тизим (call-center) такомиллаштирилиб, барча турдаги, шу жумладан, коррупцияга оид жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар тўғридан-тўғри Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИБлари ҳамда барча вилоят ИИБларига келиб тушиши ва ҳисобга олиниши таъминланди. Бу орқали туман ва шаҳар ИИБлари томонидан жиноятларни ҳисобдан яшириш, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда коррупцион хавф-хатарларнинг олдини олишга эришилди.

Коррупцияга оид жиноятлар бўйича кўрилган суд ишлари тўғрисидаги статистик маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш мақсадида **“Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика”** ягона ахборот тизимида давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари томонидан содир этилган коррупцияга оид жиноятлар ҳақидаги статистик маълумотлар ҳамда қонуний кучга кирган ҳукмларнинг соҳалар ва ҳудудлар кесимидағи электрон базаси шакллантирилди.

Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш жараёнларида коррупцион омилларни бартараф этиш мақсадида имтиҳон топшириш бўйича **Ягона имтиҳон марказлари** фаолияти йўлга қўйила бошланди.

Ушбу марказларда ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонлар топшириш **инсон омилисиз**, тўлиқ **автоматлаштирилган** ҳолда ўтказилади ва баҳоланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Коррупциявий назорат тизимининг самарали йўлга қўйилиши натижасида 2021 йилда фуқаролар томонидан ходимларга пора беришга уринганилиги юзасидан **203 та** ҳолат аниқланиб, тегишли тартибда жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланган.

Ушбу ҳолатлар бўйича намуна кўрсатган ходимлар **517 млн. сўм** миқдорда рағбатлантирилган.

2021 йил давомида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга доир **436 маротаба** тарғибот материаллари тайёрланиб, расмий веб-сайт ҳамда ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларга жойлаштириш орқали кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Ички ишлар органларида тамагирлик ва порахўрлик каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида ички ишлар органларининг маъмурий бинолари ва жамоат жойларида **9545 та** шахсий хавфсизлик бўлинмаларининг телефон рақамлари мавжуд баннерлар ўрнатилди.

Ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш борасида 2021 йилнинг 12 ойи давомида вазирлик раҳбарияти, бош бошқарма ва бошқарма раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирокида **602 маротаба** пресс-тадбирлар (брифинг, матбуот анжуман, пресс-тур ва бошқалар) ўtkазилиб, Ички ишлар органлари раҳбар ходимлари томонидан ОАВда **2350 маротаба** чиқишилар ташкил этилди.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан содир этилган қонунбузилишлар тўғрисида оғзаки мурожаат йўллаш учун Ички ишлар вазирлигининг (1102) “**Call-center**” фаолияти йўлга қўйилган.



Адлия органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўtkазиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича самарали фаолият олиб борилди.

Жумладан, адлия органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш соҳасига таалуқли бўлган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўtkазишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчилари одоб-ахлоқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида”ги, “Охирги бенефициар мулқдорлар ягона давлат реестри тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартағи “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5025-сон қарори билан тадбиркорлик фаолиятига, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек, атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўtkазилиши белгиланди.

2021 йилнинг марта оидан бошлаб (2021 йил 24 февралдан коррупцияга қарши экспертизадан

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан 2021 йил давомида “Коррупция ва комплаенс назорат” ўкув курси доирасида Республикадаги вазирлик ва идораларнинг жами **1 376 нафар** ходимининг малакаси оширилди.

Адлия органлари томонидан аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган **14 мингдан ортиқ** (телефидениеда **320 та**, радиода 661 та, газета ва журналларда 434 та, веб-сайт ва бошқа электрон ахборот воситаларида 12 622 та) коррупцияга оид ҳуқуқий-тарғибот тадбирлари ўтказилди.



Суд тизимины ислоҳ қилиш ва бунда уларнинг мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони билан 2021 йил 1 январдан бошлаб суд тизимида қўйидаги ташкилий-таркибий ўзгаришлар амалга оширилди:

- Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий малака ҳайъати ҳамда Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқи берилди;
- суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқи бекор қилинди;
- жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартиби белгиланиб, жиноят ишининг умумий тартибида кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки ёшлитув босқичи киритилди;
- давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш тартиби жорий этилди;
- прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина суддан чақириб олиб ўрганиш мумкинлиги белгиланди;
- қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этиши истисно этилди.

Судларнинг ахборот тизимлари **28 та** давлат идорасининг **38 та** ахборот тизимлари билан интеграция қилиниб, маълумотлар алмашинуви **100 фоиз** ракамли технология

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

орқали меҳнат сарфининг **10 бараваргача** қисқаришига, йилига ўртacha **16,2 млрд. сўм** маблағларнинг тежалишига эришилди.

Шунингдек, судлар фаолиятига марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси, судларга келиб тушган барча ишларни ахборот тизими орқали рўйхатга олиш, электрон шаклда мурожаат қилиш, ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, суд мажлисларида мобил видеоконференцалоқа тизими орқали дунёнинг исталган нуқтасидан туриб иштирок этиш амалиёти жорий этилди, шунингдек, ижро варакаларини мажбурий ижро бюrolарига юбориш тартиби тўлиқ рақамлаштирилди.

Суд тизимини янада ислоҳ қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 декабрдаги “**Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида**”ги 783-сонли қарори ва 2021 йил 12 январда Ўзбекистон Республикасининг **5 та** қонунлари қабул қилинди. (Рўйхати иловада келтирилган).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “**Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПФ-6127-сон Фармони билан судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди.

Бунда судьялар ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш ҳамда суд тизимида аниқланган ҳар қандай коррупциявий ҳаракатни муросасиз ҳолат деб баҳолаш лозимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, биринчи раҳбарларнинг фуқаролар қабуллари ташкил этилиб, 2021 йилда **18 658 нафар** фуқаролар (шу жумладан, **1 184 нафари** бевосита идорада, **17 184 нафари** сайёр қабулларда ва **293 нафари** онлайн) қабул қилиниши таъминланган.



О’zbekiston Respublikasi
KORRUPSIYAGA QARSHI
KURASHISH MILLIY KENGASHI

1.4. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси **Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши** (кейинги ўринларда — Миллий кенгаш) этиб қайта ташкил этилди.

Маблумот учун: Кенгаши коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

2021 йилда **6 маротаба** Миллий кенгаш мажлислари ташкил этилиб, унда Президент фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар ижроси ҳолати ҳамда келгусидаги устувор вазифалар, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатидан келиб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

чиққан ҳолда ислоҳотларнинг асосий йўналишлари, тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш, халқаро ва миллий амалиётдан келиб чиққан ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш жараёнларига жамиятнинг барча қатламини жалб қилиш каби муҳим масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишларда қабул қилинган қарорлар асосида қўйидаги чоралар амалга оширилди:

1. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича

Коррупцияга қарши
курашишга оид

12 та Қонун

23 та Президент
фармони ва қарори

7 та Хукумат қарори
лойиҳалари ишлаб чиқилди.

(4 та Қонун, Президентнинг 19 та фармони ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 3 та қарори, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинди).

Миллий кенгаш томонидан:

- Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилишни давом эттириш бўйича “Йўл харитаси”;
- Ўзбекистон бизнесининг Коррупцияга қарши курашиш хартияси;
- Давлат органларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича намунавий услубиёт;
- Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг Истанбул ҳаракатлар дастури 4-раунд мониторинги доирасида ишлаб чиқилган тавсияларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси;
- Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгashi тўғрисидаги низом;
- Коррупцияга қарши курашиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий кенгашлари тўғрисидаги низомлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮФРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

2. “Коррупциясиз соҳа” ва “Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳаларини амалга ошириш бўйича

Миллий кенгаш қарорларида асосан, қуйидаги соҳаларда “**Коррупциясиз соҳа**” **войиҳалари** амалга оширилмоқда ва ижроси назоратга олинган:

“Коррупциясиз соҳа”

2019 йилдан

Капитал қурилиш ва Олий таълим;

2020 йилдан

Соғлиқни сақлаш тизими ва Давлат харидлари

2021 йилдан

Банк тизимида ва Наманган вилоятининг Давлатобод туманини “**Коррупциясиз ҳудуд**”га айлантириш лойиҳалари ишга туширилди

Миллий кенгаш мажлисларида соғлиқни сақлаш, давлат харидлари, олий таълим ва қурилиш соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаларининг амалга оширилиши танқидий равишда кўриб чиқилди ҳамда бажарилмаган бандларни якунига етказиш бўйича масъуллар ва Вазирлар Маҳкамасига тегишли топшириклар берилди.

3. Мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш

Қуйидаги йўналишларда ҳисоботлар эшитилди:



Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш бўйича

Коррупцияга қурашиш агентлиги (А.Бурханов);



Соҳалар ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари тизимида содир этилган коррупциявий жиноятлар ва уларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиш натижалари түғрисида

Бош прокуратура (Н.Йўлдошев);



Норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг экспертизаси түғрисида

Адлия вазирлиги (Р.Давлетов);



Соҳага ахборот коммуникация воситаларини жорий этиш бўйича

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков);

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

- Коррупциясиз соҳа лойиҳалари ижроси тўғрисида**
Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев),
Молия вазирлиги (Т.Ишметов),
Курилиш вазирлиги (Б.Зокиров),
Олий ва ўрта-максус таълим вазирлиги (А.Тошқулов);
- Давлат дастурлари ижроси юзасидан мактабгача таълим ташкилотларида объектларни қуриш ва таъмирлаш ишларида бюджет маблағларининг самарали сарфланганини ўрганиш натижалари тўғрисида**
Мактабгача таълим вазирлиги(А.Шин);
- Тизимда коррупция ҳолатларининг олдини олиш ҳақида**
Маданият (О.Назарбеков),
Халқ таълими (Ш.Шерматов),
Бандлик ва меҳнат муносабатлари (Н.Хусанов), Транспорт (И.Маҳкамов)
вазирликлари ҳисоботлари танқидий муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди;
- Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари тизимида содир этилган коррупциявий жиноятлар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш натижалари тўғрисида** Наманганд (Ш.Абдуразаков),
Сирдарё (Ф.Мирзаев),
Жиззах (Э.Салиев) вилоятлари ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Мазкур эшитувлар натижасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш жараёнларида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш бўйича

2021 йилда Миллий кенгаш томонидан тасдиқланган режа асосида республика миёсида **9 декабрь - Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни** муносабати билан “Аксилкоррупция ҳафталиги” ўтказилди.

Хафталик давомида
40 000 дан ортиқ
иштирокчи қамраб олинди

500 га яқин тадбирлар (**80** дан
ортиги республика даражасида, **350**
дан ортиги ҳудудларда) ташкил этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮФРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

100 га

яқин вазирлик ва
идора

55

нафар
хорижий эксперт

50 та

нодавлат нотижорат
ташкилотлари жалб этилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлар:

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат ва бошқа дастурларнинг амалга оширилишини ҳудудларда ташкил этиш, бу борада ҳудудий давлат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Миллий кенгашнинг 2021йил 19 августдаги 4-сон баённомасига асосан Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашларнинг низоми ҳамда намунавий таркиби тасдиқланди.

Унинг таркибига ҳудудлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий аҳборот воситалари вакиллари киритилди ҳамда Агентлик раҳбариюти, миллий кенгаш аъзолари иштирокида 23 сентябрь – 10 октябрь оралиғида таъсис йиғилишлари ўтказилди.

Ҳудудий кенгашларга коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат ва бошқа дастурларнинг амалга оширилишини ташкил этиш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш, тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, қонун хужжатларини такомиллаштириш, ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва Миллий кенгашга киритиш каби вазифалар юклатилган.

Ҳудудий кенгашлар фаолият бошлиши натижасида коррупцияга қарши курашишга қаратилган ислоҳотларнинг ҳудудларда ижроси таъминланиши самарадорлиги оширилди ҳамда ушбу кенгашларга ННТ ва ОАВларни фаол жалб этиш орқали фуқаролар ва кенг жамоатчиликнинг амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардорлиги сезиларли даражада ошишига эришилди.

2021 йил давомида ҳудудий кенгашлар ўз ташаббускорликларини намойиш этиб, бир нечта лойиҳаларни амалга оширишди. Хусусан, Жizzах вилоятида декабрь ойида маҳсус кўриктанлов ташкил этилди, Самарқанд вилоятида эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва коррупцияга мойил соҳа раҳбарларининг халқа ва соҳа ходимларига мурожаат қилиш амалиёти жорий этилиб, ОАВ орқали жамоатчиликка эълон қилиб борилмоқда. Қорақалпоғистон ҳудудий кенгашининг тарғибот-ташвиқот жараёнларидағи фаоллиги оширилди.

Ҳудудий кенгашлар фаолиятини мунтазам баҳолаб бориш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашларининг рейтинг баҳолаш методикаси ва мезонлари тасдиқланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

1.5. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги

Агентлик томонидан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида 2021 йил мобайнида норматив-хукуқий асосларни мустаҳкамлаш, ташкилий ҳамда институционал механизмларни такомиллаштириш, давлат бюджети маблағлари сарфининг қонунийлигини ўрганиш, жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, аҳолида коррупцияга нисбатан муросасиз кайфиятни шакллантириш йўналишларида бир қатор ишлар амалга оширилди.

1 Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган жами **24 та** норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Агентлик томонидан 2021 йилда норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) орқали **156 та** норматив-хукуқий ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилиб, коррупциявий омиларни бартараф қилиш бўйича **300 дан ортиқ** таклиф ва тавсиялар билдирилган.

2 Агентлик томонидан ҳудудлар ва соҳаларда давлат бюджетидан мақсадли фойдаланиш, шу жумладан давлат харидларини амалга ошириш юзасидан **50 дан ортиқ** ўрганишлар ўтказилди.

3 Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларини ташкил этиш ҳамда давлат хизматчиларининг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

БМТ Тараққиёт дастури эксперплари билан ҳамкорлиқда **ISO 37001:2016** халқаро стандарт талабларига мувофиқ, ички назорат тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш учун **10 та** ички идоравий ҳужжатлар намуналари, шунингдек, коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимини жорий этиш бўйича **Кўлланма** ишлаб чиқилиб, давлат органлари ва ташкилотларига юборилди.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этишга масъул бўлган кадрларни ўқитиши ва малакасини ошириш тизими жорий этилиб, дастлабки босқичда вазирлик ва идораларнинг **299 нафар** ходими Бош прокуратура Академиясининг қисқа муддатли онлайн курсида ўқитилиши таъминланди.

4 2021 йилда Агентликка келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг жами **4 901 та** мурожаатларининг қонуний ҳал этилиши таъминланди.

Мурожаатларни кўриб чиқиши натижалари бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан **53 та тақдимномалар киритилиб, 9 нафар мансабдор шахслар расман огоҳлантирилган**.

Шунингдек, **32 та** қонун ҳужжатларига зид равишда чиқарилган қарорларнинг бекор қилиниши, қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан **8 та интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилиши таъминланди**.

II БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ПРЕВЕНТИВ ТИЗИМНИ ЯРАТИШ

2.1. “Коррупциясиз соҳа” ва “Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳаларини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПФ-5729-сон Фармонига асосан, 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, **капитал қурилиш** ва **олий таълим** соҳаларида “**Коррупциясиз соҳа**” лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди.

2021 йилдан “**Коррупциясиз соҳа**” лойиҳаси **соғлиқни сақлаш, давлат харидлари** ва **банк тизимида** ҳам амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланиб, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши томонидан ҳар бир соҳа бўйича алоҳида “Йўл харита”лари тасдиқланди.

“Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш учун мазкур соҳаларнинг танлаб олинишига **асосий сабаб** сифатида уларда коррупциявий хавф-хатарларнинг юқори эканлиги, коррупцияга оид жиноятлар сони йилдан йилга ошиб бораётганлиги ҳамда ижтимоий сўровнома натижаларига кўра айнан мазкур соҳаларда энг кўп коррупция тарқалганлиги инобатга олинган.

Масалан: “Ижтимоий фикр” маркази томонидан 2021 йилда ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, респондентларнинг **38 фоизи** таълим тизимида, **35 фоизи** соғлиқни сақлаш тизимида, **22 фоиз** ишга жойлашишда энг кўп коррупцияга дуч келишларини айтишган.

Капитал қурилиш соҳасида:

Курилиш вазирлиги тизимида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш ва шаффоффликни таъминлаш мақсадида 2020 йил 4 сентябрда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган “**Йўл-харитаси**” тасдиқланди.

Мазкур “Йўл харитаси”га асосан “Шаффофф қурилиш” миллий ахборот тизими ишлаб чиқилиб, 2021 йил 1 январдан республиканинг барча ҳудудларида реал вақт режимида тўлиқ ишга туширилди.

Ушбу тизимнинг ишга туширилиши натижасида қурилиш обьектларини реконструкция қилиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, экспертиза, назорат ва мониторинг фаoliyatлари тўлиқ рақамлаштирилди.

Шунингдек, давлат шаҳарсозлик кадастри ҳужжатларини юритиш, уларни жамоатчиликка тақдим этиш имконини берувчи “**Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

кадастри” географик ахборот тизими (геопортал) ишлаб чиқилди.

Ёки, қурилиш-пудрат ташкилотлари қўрсаткичларини инсон омилидан холи, рақамлаштирилган технологиялар ёрдамида баҳолайдиган “**Курилиш пудрат ташкилотлар рейтинги**” ахборот платформаси яратилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 55-сон қарори билан “**Курилиш соҳасида танловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби түгрисида**”ги вақтинчалик Низом тасдиқланди.

Низом талабларига асосан, давлат буюртмачиларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **2 500 бараваридан** ортиқ бўлган қурилиш соҳасидаги танлов(тендер)лар “**tender.mc.uz**” электрон портали орқали амалга оширилиши белгиланди.

Маълумот учун: “tender.mc.uz” платформасида 8 мингдан ортиқ қурилиш-пудрат ташкилотлари, 67 та тендер савдолари ташкилотчиси, 284 та буюртмачи рўйхатдан ўтказилган. 2021 йил давомида 6256 та лот бўйича қиймати 12,43 трлн.сўм бўлган тендер ташкил этилди. Улардан 5367 та лот (92%) бўйича савдолар якунланиб, голиблар аниқланган. Тендер савдолари голиблари билан 11,81 трлн.сўм миқдорида шартномалар тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 февралдаги ПҚ-4586-сон қарорига асосан қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат ўрнатиш, объектларни фойдаланишга қабул қилиш жараёнларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида 2020 йил 1 апрелдан бошлаб, давлатқурилишназоратининг таомиллашган янгитартиби ишлаб чиқилди. Шунингдек, “**Курилишдаги назорат**” тизими ишга туширилиб, республика бўйича **32 800 нафар** фойдаланувчи назорат фаолиятини юритмоқда.

“Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси доирасида Қурилиш вазирлиги тизимида KPMG (Италия) халқаро аудиторлик компанияси эксперклари иштироқида коррупцияга қарши курашиш “**комплаенс-назорат**” тизимини жорий этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ушбу чора-тадбирлар доирасида тизимда юзага келаётган коррупцион ҳолатларнинг **70 та** сабаби аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан **50 та** тавсия ишлаб чиқилди.

Қурилиш вазирлиги тизимида соҳани тартибга солувчи **25 та** норматив-хукуқий хужжатлар ва **30 та** ички идоравий хужжатлар таҳлил қилиниб, ўрганишлар натижасида **126 та** эҳтимолий коррупцион хавфлар аниқланди ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгиланди.



Соғлиқни сақлаш тизимида:

Соғлиқни сақлаш тизимида “**Коррупциясиз соҳа**” лойиҳаси доирасида **2021 йил давомида** қуийдагилар амалга оширилди:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

- ✓ соҳада коррупциянинг олдини олишга қаратилган **26 минг дона** чакириқлар ва тарғибот материаллари тайёрланиб, **3 мингдан** ортиқ тиббиёт муассасалари, шу жумладан, ҳар бир оиласвий шифокор пункти, оиласвий поликлиника ва шифохонанинг кириш жойларида жойлаштирилиши таъминланди;
- ✓ “**Софлиқни сақлаш ходимлари учун коррупцияга қарши курашишга оид эслатма**” тайёрланиб, тизим ходимларига тарқатилди;
- ✓ тизимдаги коррупцияга оид ҳолатлар ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи “**1203**” қисқа рақамли “**ишонч телефони**” - Call-марказ ташкил этилди;
- ✓ 2021 йил давомида тиббиёт ходимларининг коррупцияга қарши курашишга оид саводхонлигини ошириш мақсадида турли форматларда **134 та** тарғибот тадбирлари ташкил этилди;
- ✓ давлат тиббиёт муассасаларида бюджет маблаглари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга квота асосида ордер беришни тўлиқ **электрон шаклда** амалга ошириш механизми жорий этилди;
- ✓ 2021 йил давомида жами **10 та** хизмат тури тўла электрон шаклга ўтказилди;
- ✓ даволаш-профилактика муассасаларининг тасдиқланган **пуллик хизматлари** миқдори вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши таъминланди;
- ✓ “электрон соғлиқни сақлаш” тизими доирасида **16 та янги ахборот тизимлари** (“coronavirus.uz”, “Бемор”, “ПЗР-тест”, “Аудио скрининг” ва б.) жорий қилинди. Шунингдек, **3 та ахборот тизими** (“Сунъий интеллеккт”, “Ягона дарча”, “Kitactive”) тажриба сифатида ишга туширилди ҳамда “Электрон таълим”, “Вакцина логистикаси” каби электрон тизимлари жорий қилинмоқда.



Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони билан олий таълим тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш белгиланди.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва унинг қуий тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш “**Комплаенс-назорат**” тизимини жорий этиш ва мувофиқлаштиришга масъул бўлган бўлинмалар фаолияти йўлга қўйилди.

2021 йилда тизимда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича **14 та** норматив-хукуқий хужжатлар қабул қилинди.

Олий ва ўрта маҳсус, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Молия вазирликларининг “Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қўшма қарорига (рўйхат рақами 2859-3, 2021 йил 12 май) мувофиқ, ОТМларда Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини бошқариш бўлимлари ташкил этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

- Билимли ёшларни адолатлилик ва шаффоффлик тамойиллари асосида қабул қилиш механизмлари жорий этилиб, бир вақтнинг ўзида **5 тагача** олий таълим муассасасига кириш учун танловларда иштирок этиш имконияти яратилди.
- Касбий (ижодий) имтиҳон жараёнлари **imtihon.edu.uz** платформасида онлайн трансляцияси ташкил этилиб, имтиҳонларда коррупцион омилларни минималлаштириш мақсадида имтиҳон олувчи комиссия аъзолари таркиби турли олий таълим муассасаларидан жалб қилинган профессор-ўқитувчилардан шакллантирилди.
- Магистратурага қабулда **2-босқичли танлов** жараёни йўлга қўйилиб, магистратурага киришда ҳужжатлар **magistr.edu.uz** платформасида онлайн шаклда қабул қилинди.
- магистратура (клиник ординатура) мутахассислигига мос фанлар бўйича имтиҳон жараёнлари **imtihon.edu.uz** платформасида онлайн трансляция қилиниши ҳамда натижалар З кун муддатда ОТМ томонидан ДТМга тақдим этилиши ва ОТМ расмий веб-сайтида эълон қилинди.
- чет тили бўйича тест синовлари Давлат тест маркази томонидан кузатув камералари ва онлайн кузатиш **test2021.uz** имконига эга бўлган катта павильонларда ўтказилди.
- Олий таълимдан кейинги таълим (докторантурасида) кириш учун ўтказиладиган имтиҳон жараёнлари **imtihon.edu.uz** платформасида онлайн трансляция қилинди.
- Иккинчи мутахассисликка ҳужжат топшириш учун **ikkinchitalim.edu.uz**, академик лицейларга ҳамда профессионал таълим муассасаларига ўқиш кириш учун **litsey.edu.uz**, **kasb.edu.uz**, **kollej.edu.uz**, **texnikum.edu.uz** ҳужжатларни онлайн топшириш платформалари ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон қарори билан талабалар ўқишини кўчириш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш, кўриб чиқиш жараёнларида шаффоффликни таъминлаш, тартибларни янада соддалаштириш механизмлари такомиллаштирилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮФРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Талабалар ўқишини кўчириш, тиклаш ва хориждан кўчиришда барча жараёнлар **очик ва шаффоф бўлишини** таъминлаш мақсадида аризаларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш махсус **автоматлаштирилган онлайн дастур transfer.edu.uz** ёрдамида амалга оширилиши белгиланди.

- Талабалар ариза топширишда фақатгина паспорт нусхаси ва транскрипт (рейтинг дафтарчаси, академик маълумотнома)ни мазкур **платформага юклаш тартиби** жорий этилди. Топширилган ҳужжатлар тегишли ишчи гуруҳлар томонидан кўриб чиқилиши ва аризачига ўз аризасининг ҳолатини саҳифасидан **тўлиқ кузатиб бориш** имконияти яратилди. Ислоҳотлар натижасида, талабалар уйдан чиқмаган ҳолда, ҳеч қандай қийинчиликларсиз, ортиқча маълумотнома ёки ҳужжатларсиз ва энг асосийси, инсон омили аралашувисиз тизимга ўзининг ҳужжатларини киритиш имкониятига эга бўлди.
- Тест синовлари **кузатув камералари ва онлайн кузатиш test2021.uz** имконига эга бўлган катта павильонларда ўtkазилиши амалиёти йўлга қўйилди.
- Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан педагог кадрларни аттестациядан ўтказиша инсон омили кескин камайтирилди ва педагог кадрларга аттестациядан ўтиш ҳамда малака тоифаси олиш бўйича ҳужжатларни давлат хизматлари марказларига борган ҳолда ёки мустақил равишда Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд Таълим инспекцияси расмий веб-сайтидаги махсус портал орқали топшириш имкониятлари яратилди. Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари томонидан аттестация давомида ташкил этиладиган сұхбат ўтказиш тартиби тўлиқ бекор қилинди.
- ОТМ фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, олий таълим тизимида жараёнларни автоматлаштириш, бюрократик тўсиқлар юзага келишининг олдини олиш ва молиявий харажатларни қисқартириш мақсадида **“Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими” (HEMIS)** ишлаб чиқилди.

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб ОТМларда босқичма-босқич жорий этиш орқали:

“Ўқув жараёни” модулида гуруҳ журнали, дарс жадвали, имтиҳонлар жадваллари, талабанинг рейтинг дафтарчаси, ўзлаштириш қайдномалари, давомат ҳисоботлари, диплом ва академик маълумотномалар рақамлаштирилди;

“Маъмурий жараён” модулида олий таълим муассасаси структураси, талабалар контингенти ва уларнинг ҳаракати, профессор-ўқитувчилар таркиби тўғрисидаги маълумотларни юритиш ҳамда ҳисоботларни тайёрлаш рақамлаштирилди;

“Илмий жараён” модулида профессор-ўқитувчиларнинг илмий лойиҳалари, мақолалари ва илмий-услубий нашрлари, илмий изланувчилар тўғрисидаги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда ўқитувчилар ва кафедраларнинг илмий рейтингини баҳолаш масалалари рақамлаштирилди;

“Молиявий жараён” модулида талабаларнинг QR-кодли тўлов-шартномаларини шакллантириш, талабаларга электрон кўринишда тақдим этиш, шартнома тўловлари мониторингини юритиш, талабаларга стипендия белгилаш тўгрисидаги маълумотлар тизим орқали амалга оширилади. Молия вазирлигининг “UzASBO” ахборот тизими билан ахборот алмашинуви йўлга кўйилди.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб талабаларнинг QR-кодли тўлов-шартномаларини **t-kontrakt.edu.uz** ахборот тизимида шакллантириш имконияти яратилди.

Имтиҳон натижаларига кўра, талабаликка тавсия этилмаган, бироқ табақалаштирилган тўлов-шартнома асосида ўқиши истагини билдирган абитуриентлар учун **онлайн шаклда ариза қолдириш** ҳамда **тўлов-шартномани онлайн қабул қилиш** имконини берувчи **t-kontrakt.edu.uz** ахборот тизими ишлаб чиқилди ва ишга туширилди. Мазкур ахборот тизими Давлат тест маркази базаси билан **интеграция** қилинди ва абитуриентлар тўплаган бали бўйича контракт миқдори автоматик шакллантирилиши ҳисобига табақалаштирилган тўлов-шартнома миқдорини белгилаш билан боғлиқ **коррупциявий ҳолатларнинг олди олинди**.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлари орасида коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олишга қаратилган **1 815 та профилактик тадбирлар** ўтказилди, шундан **917 та** давра суҳбатлари, **333 та** семинар-тренинглар, **565 та** учрашувлар ташкил қилинди. Мазкур тадбирларда ОТМларнинг **170 576 нафар** талабалари ҳамда **20 367 нафар** профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Бундан ташқари, барча олий таълим муассасаларида “Инсон ҳуқуқлари” бўйича соҳа мутахассислари томонидан жамиятда мавжуд бўлган коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича асосида маҳсус курснинг ўқув дастури ва ўқув материаллари ишлаб чиқилди.

28 та олий таълим муассасасида “Коррупция - ривожланишимизга тўсик” мавзусида иншолар танлови ташкил этилди.

36 та олий таълим муассасаларида “Талаба-ёшлар – коррупцияга қарши” йўналишида расмлар танлови ўтказилди.

Касбий таълимни ривожлантиришва мувофиқлаштиришҳудудий бошқармаларитомонидан коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига қарши **1 212 та** маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, уларнинг **283 таси** ижтимоий тармоқларда, **86 таси** радиоэшиттишларда, **76 таси** телекўрсатувларда ҳамда **87 таси** турли хил нашр материалларида ёритилди.

Урганч давлат университетида **“Биз коррупциясиз ҳаёт тарафдоримиз”** шиори остида “Энг яхши видеороликлар” танлови ва **“Коррупциясиз ҳаёт – келажак пойдевори”** мавзусида мақолалар танлови ташкил этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

ОТМлар талабалари ва профессор-ўқитувчилари томонидан коррупция ҳолатлари ҳақида аноним хабар қилиш имконини берувчи [@anticoredu](#) расмий телеграм боти фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, вазир ҳамда унинг ўринbosарларига бевосита ижтимоий тармоқлар орқали мурожаат йўллаш имконияти яратилди.

Олий таълим тизимида ўтказиладиган тендерлар ҳамда савдо танловларининг шаффоф, очиқ ва ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида тизимда бюджет маблағларини сарфлаш бўйича Олий ва ўрта таълим вазирлигининг Ички аудит ва молиявий назорат бошқармасига вазирлик тизимидағи муассасаларнинг маълумотлар базасидан “ЎзАСБО” дастурий мажмуаси воситасида масофадан туриб кузатиб бориш ҳукуқи берилди.

Банк тизимида:



Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Марказий банк билан биргалиқда банк тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини жорий этиш мобайнида дастлаб “Ипотека банк” АТИБ ва “Ўзмиллийбанк” АЖ танлаб олинди. 2021 йил 19 октябрь куни “Ипотека банк” АТИБ ва 2021 йил 2 ноябрь куни “Ўзмиллийбанк” АЖда “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Йўл харитаси доирасида қўйидаги ишлар амалга оширилмоқда.

- 1** Банк хизматларини кўрсатишда инсон омилисиз реал вақт режимида олинган рақамли идентификация қилиш механизмидан (Face ID) фойдаланиш имконияти яратилди. Хозирда ушбу технологиядан 8 та тижорат банки фойдаланмоқда.
- 2** Давлат дастурлари, шу жумладан оиласвий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш учун ажратилаётган кредит маблағларининг мақсадсиз сарфланишининг олдини олиш мақсадида оиласвий тадбиркорлик дастурлари доирасида маҳсус электрон платформа (oilakredit.uz) ташкил этилди.
- 3** Банк тизимида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.
- 4** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда давлат улушига эга бўлган 10 та йирик тижорат банкида “комплаенс-назорат”га масъул бўлган таркибий тузилмалар ташкил этилиб, ушбу назорат тузилмаларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг Банк кенгашига тўғридан-тўғри бўйсуниши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, барча банкларда коррупцияга қарши курашиш сиёсати, ички тартиблар ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳукуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Банк тизимида коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган 100 нафардан зиёд ходимлар ISO-37001 “Коррупцияга қарши курашишни бошқариш тизимини жорий этиш” халқаро стандарти бўйича ўқитилди ва сертификатлар олинди.

Коррупция ёки шубҳали ҳолатлар бўйича хабар бериш юзасидан telegram/bot ҳамда алоҳида алоқа (телефон) каналлари ташкил этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Давлат харидлари тизимида:

2020 йилнинг 24 декабрида давлат харидлари соҳасида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш ҳамда коррупциянинг келиб чиқиши сабаб ва шарт-шароитларини бартараф қилишга қаратилган “**Йўл харитаси**” тасдиқланди.

Мазкур “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижроси бўйича қуидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

Товар-хом ашё биржаси АЖнинг **Сирдарё, Жizzах, Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Навоий ва Қорақалпоғистон Республикаси** филиалларида ходимлар, давлат буюртмачилари ва тадбиркорлар иштирокида давлат харидлари жараёнларини таҳлил қилиш мақсадида **социологик тадқиқот** ва сўровлар ўтказилди. Натижада соҳада коррупцияни келтириб чиқараётган **50 га** яқин тизимли муаммолар, коррупция хавф-хатарларига энг кўп дучор бўлаётган фаолият йўналишлари ва лавозимлар аниқлаштирилиб, тизимли муаммоларни бартараф қилишга қаратилган **20 дан** ортиқ таклифлар ишлаб чиқилиб, зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди;

2021 йил 22 апрелда янги таҳирдаги “**Давлат харидлари түғрисида**”ги Қонуни қабул қилинди. Қонунга асосан;

- 2022 йил 1 январдан бошлиб, барча давлат харидлари (энг яхши таклифларни танлаш ва тендер харид қилиш) тартиб-таомилларини мажбурий тартибда **электрон шаклда** ўтказилиши жорий қилинди;
- Махсус ахборот порталида давлат харидларини режалаштириш, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш, шартнома тузиш, давлат харидлари мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш жараёнлари тизимлаштирилди;
- 2021 йил 14 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш түғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодекс янги **175⁸-модда** билан тўлдирилиб, унга кўра **давлат харидлари түғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун** жавобгарлик белгиланди;
- Хорижий эксперталарни жалб қилган ҳолда давлат харидлари соҳасини тартибга солувчи **10 дан** ортиқ норматив-хуқуқий хужжатларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра бевосита давлат харидларига оид муносабатларни тартибга солувчи **4 та** қонунда **9 та** коррупцияни келтириб чиқарувчи нормалар мавжудлиги аниqlаниб, коррупцион омилларни бартараф этиш чоралари кўрилди;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА



36 соатга мўлжалланган “**Давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби**” мавзусида малака ошириш курси ташкил этилиб, унда **354 нафар** ходимнинг малакаси оширилди;



Давлат харидлари соҳасида коррупцияга йўл қўймаслик борасида **93 та** тарғибот тадбирлари ўтказилди. Ўтказилган тадбирларнинг **17 таси** семинар, тренинг, давра сұхбати ва муҳокамалар шаклида ўтказилиб, уларнинг **2 тасида** халқаро эксперталар иштирок этди;



2021 йилнинг апрель ойида Молия вазирининг “Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби түғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи тасдиқланди ва бюджет буюртмачилари томонидан амалга оширилган, шу жумладан, қурилиш ва таъмирлашга оид давлат харидлари ҳақидаги маълумотларни **ўз расмий веб-сайтида** жойлаштириб бориш тартиби белгиланди.

“Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳаси

Наманган вилоятининг **Давлатобод туманида “Коррупциясиз ҳудуд”** лойиҳаси 2021 йилдан бошлаб амалга оширилмоқда.

Маълумот учун: Коррупциявий жиноятлар туман-шаҳарлар кесимида таҳлил қилинганда энг кўп (**242 та**) коррупциявий жиноятлар **Наманган шаҳрида** содир этилган бўлиб, шунга асосан шаҳар ҳудудида жойлашган Давлатобод тумани лойиҳа доирасида танланган.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш бўйича **“йўл ҳаритаси”** ишлаб чиқилиб, унда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва коррупцияга имкон яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш каби **йўналишларда** чора-тадбирлар белгиланди.

Давлатобод туманида **“Коррупциясиз ҳудуд”** лойиҳаси доирасида:

Коррупцияга қарши курашиш мавзусида **3 та** ижтимоий ва анимацион видеоролик тайёрланиб, ҳудуддаги ташкилотлар расмий веб сайтларида ҳам маҳаллий телеканалларда намойиш этилди, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олишга қаратилган баннерлар тайёрланиб, туман ҳудудида жойлашган **6 та** электрон кўргазмали доскаларга ўрнатилди ва кун давомида намойиш этилди.

Тумандаги масъул ташкилот ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш мавзусида **32 та** давра сұхбатлари, семинарлар ўтказилди, вилоят ва туман миқёсида газеталарда **10 та** мақола чоп этилди, **2 та** вилоят ва 1 та республика телевидениясида чиқишлилар қилинди.

Лойиҳа доирасида коррупцияга қарши курашиш фаолиятига ёшларни кенг жалб қилиш мақсадида “Ёшлар коррупцияга қарши” номли талabalар клуби ташкил қилиниб, 500 дан ортиқ ёшлар клубга аъзоликка қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

“Коррупцияга қарши курашиш куни” лойиҳаси доирасида сектор раҳбарлари иштирокида **15 та** сайёр йиғилишлар ўтказилди, туман раҳбарларининг “**Йўл ҳаритаси**” ижроси бўйича ҳисоботлари эшитилди.

2021 йил учун ажратилган бюджет маблағларининг харажатлар қисми туман ҳокимлиги “**теграмм**” каналида мунтазам эълон қилиб борилди.

Бошқарув органларида ходимларни танлов асосида ишга қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, 2021 йилда **108 нафар** ходимлар танлов ўтказиш йўли билан ишга қабул қилинган.

Тумандаги буюртмачилар томонидан давлат харидлари бўйича берилган эълонлар мунтазам мониторинг қилинди.

Жумладан, **871,5 млн. сўмлик 3 та** давлат харидларини эълонга жойлаштиришда қонун талаблари бузилгани сабабли Агентлик томонидан буюртмачиларга **3 та** тақдимнома киритилиб, эълонлар бекор қилинди ҳамда қонун талаблари асосида қайта жойлаштирилди.

2.2. Давлат ва жамият бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш түгрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида **Давлат бошқаруви соҳасида** коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари сифатида:

давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш; коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини, стандартларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;

давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш;

давлат органлари ходимлари манфаатлари тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилиниши, моддий таъминот олиши ва рағбатлантирилишини таъминлаш бўйича йўналишлар белгиланган.

Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга хизмат қилувчи бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Жумладан:

Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш бўйича:

Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик **33 турдаги** маълумотларнинг рўйхати тасдиқланди.

Рўйхатга киритилган маълумотларни эълон қилишга масъул бўлган вазирлик ва идоралар, маълумотларни янгилаб боришнинг аниқ муддатлари белгилаб берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

2021 йил 1 декабрдан бошлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлислари, Қарақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиялари телеканаллар ва интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилиши йўлга қўйилди.

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини ўтказиш жараёнини Интернет тармоғида жонли эфирга узатиш тартиби жорий этилди.

Давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисободорлигини таъминлаш мақсадида ўз ҳисботларини ҳар йили март ойига қадар расмий веб-сайтида эълон қилиш ҳамда матбуот анжумани ташкил этиб, жамоатчилик олдида муҳокама қилиш мажбурияти белгиланди.

Давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм, ортиқча маъмурӣ тартиб-таомилларни қисқартириш ва электрон давлат хизматлари кўрсатишини ривожлантириш бўйича:

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан **450 дан** ортиқ қонун ҳужжатида белгиланган **18 турдаги** маълумот ва ҳужжатларни аҳоли ҳамда тадбиркорлардан талаб қилиниши бекор қилинди, ушбу ҳужжатларни ваколатли давлат органи томонидан “Электрон ҳукумат” платформаси орқали олиш тартиби жорий этилди.

Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 2021 йилда **166 тага**, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари сони **308 тага** етказилди.

Тадбиркорлик соҳасида **132 та** лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди.

Давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш мақсадида “Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодекси” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, давлат органлари ходимларининг манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланиб тегишли тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди.

Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларини ташкил этиш бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 27 июль куни яширин иқтисодиётни қисқартириш ва коррупциянинг олдини олиш масалаларида ўтказилган йиғилишда 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида **коррупцияга қарши ички назорат (“комплаенс-назорат”) тизими**ни босқичма-босқич, йил якунига қадар эса **14 та вазирлик ва идораларда** жорий этиш вазифаси белгиланган.

Агентлик томонидан Ҳисоб палатаси билан биргаликда яширин иқтисодиётни қисқартириш ҳамда коррупцияга қарши **“комплаенс-назорат”** тизимини жорий этиш юзасидан **26 та** вазирлик ва идораларда **“йўл ҳариталари”** ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон Қарорининг 3-бандида 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Қарақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш вазифаси белгиланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

2021 йилда **91 та** республика даражасидаги давлат ва хўжалик ташкилотларида ички назорат тузилмалари фаолияти тўлиқ йўлга қўйилди.

Белгиланган вазифалар ижросини, шушингдек, барча давлат органлари ва ташкилотларида мазкур тузилмалар фаолиятини самарали йўлга қўйилишини таъминлаш мақсадида **Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низом** ишлаб чиқилди.



Ички назорат тузилмалари ходимлари учун комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича тавсияларни ўз ичига олган методологик қўлланма тайёрланди.

Вазирлик ва идораларнинг коррупцияга қарши курашиш тузилмалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, соҳадаги норматив-хуқуқий хужжатлар ва намунавий низомларни амалиётда қўллаш механизmlари тўғрисида маълумот бериш, шушингдек, ушбу тузилмалар фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалаларни муҳокама қилиш учун **ўқув семинарлари** ташкил этилди.

2021 йил 24-25 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида коррупцияга қарши ички идоравий хужжатларни амалиётга татбиқ этиш масалалари хусусида кўргазмали тақдимотлар ўтказилди. Унда **145 та** давлат ташкилотларининг ички назорат тузилмасига маъсул бўлган **215 та** ходим иштирок этди.

Маълумот учун: **4 та** марказий муассаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги **8 та** ташкилот, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **12 та** ташкилот, **20 та** вазирлик, **12 та** давлат қўмитаси ва қўмиталар, **21 та** агентлик, **8 та** инспекция, **35 та** акционерлик жамият, биржса ва компаниялар, **5 та** жамғарма, **12 та** банк, **8 та** марказ масбул ходимлари иштирок этишиди

2021 йилнинг 26 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, **12 та** вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ички назорат тузилмасига масъул бўлган ходимлар учун онлайн **ўқув семинари ўтказилди**.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Ўтган вақт давомида бир қатор вазирлик ва идораларда «комплаенс-назорат» тузилмалари фаолиятининг самарали йўлга қўйилиши мавжуд коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олишда самарасини бера бошлади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг ходимлари томонидан коррупция билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлар тўғрисида ташкилотнинг алоқа каналлари орқали раҳбариятига ёки ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш тартиби йўлга қўйилиши натижасида ташкилот ходимлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш имкони яратилди.

Қарор талабларига асосан, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарлари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Агентлик билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилиниши белгиланган бўлиб, бугунги кунда ички назорат тузилмаларига муносиб номзодларни танлаш бўйича ташкил этилаётган танловларнинг очиқ ва шаффофф ўтиши таъминланмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлигининг vacancy.argos.uz очиқ портали ва оммавий ахборот воситалари орқали очиқ ва шаффофф танловлар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

2.3 Норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “**Норматив-ҳукуқий ҳужжатлар тўғрисида**”ги ЎРҚ-682-сон Қонунининг 25-моддасига биноан, норматив-ҳукуқий ҳужжат лойиҳаси ҳукуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказилиши шартлиги белгиланди.

Коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмларидан бири норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари сони ортиб бормоқда, ўз ўрнида ушбу ҳужжатлар коррупциядан ҳоли бўлиши, жамиятнинг озчилик манфаатини ифода этмаслиги нуқтаи назардан коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши лозим.

Коррупцияга қарши экспертиза норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омилларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиши ва чоралар кўришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳукуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасига биноан, норматив-ҳукуқий ҳужжат лойиҳаси ҳукуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказилиши шартлиги белгиланди ва 2021 йилдан бошлаб коррупцияга қарши экспертизаси алоҳида ҳукуқий экспертизадан ажратилган ҳолда амалга ошириш йўлга қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Коррупцияга қарши экспертиза:

норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига нисбатан – ишлаб чиқувчилар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг худудий бўлинмалари томонидан;

норматив-хуқуқий ҳужжатларга нисбатан – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг худудий бўлинмалари томонидан ўтказилади.

Адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги бўйруги билан Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Мазкур низом билан коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича аниқмисоллар келтирилган методика асосида ва намунавий саволнома – чеклист тўлдириш орқали экспертиза ўтказиш тартиби жорий қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорига асосан:

- мамлакатимизда илк бор амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни

(21 мингдан ортиқ) босқичма-босқич тўлиқ коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш белгиланиб, экспертиза жараёнларига жамоатчилик, илмий ташкилотлар ва мустақил экспертларни кенг жалб қилиш имконияти яратилди.

Яъни, 2022-2026-йилларда амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режа-графиги тасдиқланди ҳамда 2022-йил 1 январдан бошлаб илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари вакиллари ҳамда жисмоний шахслар мустақил экспертларга норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ҳуқуки берилди;

Ҳар йили амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижасида аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича “Йўл ҳаритаси” ҳамда амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланиши тартиби жорий этилди.

2021 йилда **1 820** та норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилган.

1575 тасида коррупциявий омил аниқланмаган

245 таси (13 фоизида) **405** та коррупциявий омиллар аниқланди ҳамда лойиҳа ишлаб чиқувчиларига уларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифлар берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮФРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Шундан **114 та** лойиҳа алоҳида тартибда коррупцияга карши экспертизадан ўтказилганда, уларнинг **83 тасида** (73 фоизида) **237 та** коррупциявий омиллар аниқланган.

Қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш соҳасида амалга оширилаётган ишларни жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларига етказиш учун **32 та** тадбир ўтказилди, шу жумладан **13 та** телевидениеда ва **4 та** радиода чиқишилар қилинди, **4 та** конференция, семинар ва брифинглар ташкил қилинди.

Шунингдек, 2021 йилнинг 28 июнь куни Агентлик томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси (БМТ ГЖБ) ҳамкорлигида вазирлик ва давлат идоралари масъул ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида “**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш**” мавзусида онлайн-тренинг ўтказилди.

2.4 Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, жамоатчилик назоратини шакллантириш

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг 5-йўналишида (Давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш) ҳалқаро коррупцияга қарши курашиш куни доирасида кенг кўламли Антикоррупция ҳафтилигини ўтказиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг жамоатчиликка тизимли равишда етказиб бориш, коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ОАВ билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича вазифалар белгиланган.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1 “9 декабрь – Ҳалқаро коррупцияга қарши кураш” кунига бағишлиланган “**Аксилкоррупция ҳафтилиги**” ўтказилиб, ҳафтилик доирасида турли даража ва форматларда **500 га** яқин тадбирлар, шу жумладан, форум ва конференциялар, кўрик-танловлар, акция ва флешмоблар, давра суҳбатлари, тренинглар ҳамда ток-шоулар ташкил этилди ва уларга кенг жамоатчилик вакиллари, хусусан, ёшлар фаол жалб этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги ва БМТ ГЖБнинг Марказий Осиёдаги идораси билан ҳамкорликда “**Ҳалқ таълими тизимида коррупциянинг олдини олиш**” бўйича тренинг ҳамда мактаб ўқувчилари учун аксилкоррупция дарслари йўлга қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

2020 йилда **3 та** вилоятнинг **3 та** туманидаги мактабларда, 2021 йилда эса бутун республиканинг барча худудларида коррупцияга қарши курашиш бўйича курслар ташкил этилди.

“Open Data Challenge 2021” хакатонига коррупцияга қарши курашиш йўналиши бўйича махсус номинация киритилди.

Ёшларда коррупцияга қарши курашиш иммунитетини шакллантириш мақсадида Кинематография агентлиги буюртмасига асосан **“Талваса”, “АвФ”** бадиий фильмлари суратга олинди.

Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ўртасида коррупцияга қарши кураш бўйича яратилган **“Энг яхши дарслик”, “Энг яхши ўқув-услубий қўлланма”** республика танлови ўтказилди.

Бош прокуратура, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамда Агентлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгashi вакиллари билан ҳамкорликда республика бўйлаб **100 га** яқин олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг коррупцияга оид билимини ошириш, бу борадаги давлат сиёсати, олиб борилган ислоҳотлар мазмунини тушунтиришга бағишлиланган туркум семинарлар ташкил этилди.

2 Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг жамоатчиликка тизимли равишда етказиб бориши мақсадида ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиладиган **“Uzbekistan Anti-Corruption Digest”** онлайн журнали таъсис этилиб, ҳар ойда нашр қилиб борилмоқда.

3 Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга ННТлар фаол жалб этиш ва уларни рағбатлантириш, билим кўнималарини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгashi таркибига 11 нафар ННТ вакиллари киритилди.

2021 йилда **“Ўзбекистонда очиқлик ва шаффофлик”** таҳлил маркази, яъни коррупция ва шаффофликни ўрганадиган илк мустакил ННТ рўйхатдан ўтказилди. Марказнинг асосий мақсади жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат шаклланишига кўмаклашиш ҳамда давлат бошқарувида очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

2021 йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги буюртмасига асосан, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари учун қиймати **720 млн сўмлик 3 та** Давлат ижтимоий буюртмаси танлови эълон қилинди.

2021 йилда **“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати** ташабbusи билан **30 га яқин** вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимиятлар ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг жамоатчилик мониторингини амалга ошириш бўйича кўнималарини ривожлантиришга қаратилган махсус тренинглар ўтказилди, грантлар ажратилди. Мазкур тадбирларнинг асосий мақсади коррупцияга қарши курашиш бўйича фуқаролик жамияти институтларининг ташкилий салоҳиятини оширишdir.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮФРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

“Ижтимоий фикр” маркази билан ҳамкорликда ҳар чоракда аҳолининг коррупцияни қабул қилиш даражаси ҳамда мамлакатдаги ислоҳотларнинг аҳоли томонидан қабул қилиниши ўрганиб келинмоқда.

4 ОАВ билан ҳамкорликни ривожлантириш ва уларнинг билим кўникмаларини ошириш мақсадида 2021 йил давомида маҳаллий журналистлар ва блогерларнинг салоҳиятини оширишга қаратилган Медиа-мактаблар ташкил этилди. Ушбу медиа мактабларда журналист ва блогерларнинг суриштирув салоҳиятини оширишга қаратилган тренинглар ўтказиб келинмоқда. Уларда **150 дан зиёд** маҳаллий журналист ва блогерлар иштирок этди.

Журналист ва оммавий ахборот воситаларини мунтазам қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 ва 2021 йилларда **“9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни”** муносабати билан ташкил этилган танловларда “Энг яхши мақола (блог, пост) муаллифи”, “Энг яхши журналистик суриштирув учун”, “Коррупцияга қарши энг фаол тарғибот олиб борган ОАВ”, “Энг яхши ижтимоий видеоролик”, “Ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги учун” номинациялари бўйича танловлар ташкил этилди.

Давлат органларининг очиқлигини таъминлашга қаратилган чоралар фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратининг барча шаклларидан фойдаланиш имкониятини оширди. Шундан келиб чиққан ҳолда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси каби туркум йўналишларда ҳам фаол иш олиб бориши келгусидаги муҳим вазифалар ҳисобланади.

III БОБ. ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

3.1. Халқаро индекс ва рейтинглар

Мамлакатларда коррупция даражасини, коррупцияга қарши курашиш бўйича ислоҳотлар самарадорлигини ҳамда аҳоли томонидан коррупциянинг қабул қилиш даражасини баҳоловчи қўйидаги халқаро рейтинглар мавжуд:



“Transparency International”
коррупцияни қабул қилиш
индекси,



“Trace Matrix”
порахўрлик
матрицаси,



“Open data inventory”
рейтинги каби рейтинг ва
индекслар бевосита коррупция
ва очиқлик даражасини
баҳолашга ихтинослашган



“Жаҳон одил судлов
лойиҳаси” халқаро ноҳукумат
ташкilotининг ҳуқуқ
устуворлиги индекси, Жаҳон
Бошқарув сифати индикаторлари



(WGI) каби рейтинглар ва индекслар
таркибида ҳам коррупцияга қарши курашиш
бўйича алоҳида субиндекслар мавжуд.

1. “Transparency International” коррупцияни қабул қилиш индекси (+6 ↑ погона)


2021 йил учун “Transparency International”нинг коррупцияни қабул қилиш индекси янги рейтингида Ўзбекистон **6 погонага** кўтарилиб, индекс баҳосида қаторасига 8 йил давомида барқарор ўсишга эришган (2013 йилда 17 балл билан 146 ўриндан 2021 йилда 28 балл билан 140 ўрингача).

Маълумот учун: Бу борада Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида ўсишига эришган ягона давлат ҳисобланади.

Мазкур рейтинг ҳисоботига асосан 180 мамлакатдан 131 таси сўнгги 10 йил давомида деярли ўсмаган ҳамда глобал ўртача кўрсаткич шу даврда деярли кўтарилимаган.



Индексда Ўзбекистон ўрнининг ўзгариши (ўринларда)



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ТҮФРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА**

Коррупцияни қабул қилиш индекси манбаларидаги натижалар:

т/р	Манба номи	100 баллдан (2021/2020)
1	Bertelsmann Foundation Transformation Index	29/29
2	Economist Intelligence Unit ташкилотининг “Мамлакат хатари хизмати 2020” ҳисоботи	20/20
3	Freedom House ташкилотининг “Ўтишдаги мамлакатлар ҳисоботи 2020”	24/24
4	Global Insight ташкилотининг “Бизнес муҳити ва хавф кўрсат-кичлари” ҳисоботи	35/22 (+13)
5	CPIA - world Bank “Мамлакатлар сиёсий ва институционал баҳолаш” ҳисоботи	27/27
6	World Justice Project ташкилотининг “хуқуқ устуворлиги индекси 2020” ҳисоботи	36/35 (+1)
7	“Демократия турлари (V-Dem) 2020” ҳисоботи	26/25 (+1)



2. “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳукумат ташкилотининг хуқуқ устуворлиги индекси (+26 ↑ поғона)

Жаҳон одил судлов лойиҳаси мустақил ва нотижорат халқаро ташкилотининг қонун устуворлиги ва тенгликни таъминлашга қаратилган индекс бўлиб, унда коррупциянинг мавжуд эмаслиги фактори ва унинг таркибидағи барча суб-индексларда ўсиш қайд этилган (умумий натижа 0.40 баллдан 0.48 баллга кўтарилган).

Маълумот учун: индекс 139 та мамлакатда қонун устуворлиги, очиқлик, хавфсизлик, фуқаровий ва жиноий одил судлов каби 8 та факторлар бўйича баҳоларини эълон қилиб боради.

Умумий балл		Факторлар									
Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Хукумат ваколатла- ри чекланганлиги		Коррупция мавжуд эмаслиги		Хукумат очиқлиги		Фундаментал хукуклар			
		Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)
0,49 +0,02	78 +14	0,38 +0,05	110 +10	0,46 +0,06	63 +26	0,37 +0,04	112 +8	0,44 +0,03	101 +9		
Факторлар											
Тартиб ва хавфсиз- лик				Қонунларга риоя етиш		Фуқаролик одил судлови		Жиноий одил суд- лов			
Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)
0,90 0				0,44 0	95 +1	0,50 -0,01	71 +1	0,45 +0,01	60 +6		

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА**



3. Жаҳон Бошқарув сифати индикаторлари (WGI) (+3 поғона).

Жаҳон Бошқарув сифати индикаторларининг коррупцияни назорат қилиш йўналишида Ўзбекистон -1,05 балл билан (баллар шкаласи -2,50 дан +2,50 оралиғида) 213 та давлат орасида 176 ўринни эгаллаган.

Маълумот учун: Жаҳон Бошқарув сифати индикаторлари Жаҳон банки томонидан 200 дан ортиқ мамлакат учун 6 йўналишида юритиладиган рейтинг ҳисобланади.

Ахоли фикрини инобатга олиш ва ҳисобдорлик		Сиёсий барқарорлик ва зўра-вонлик/ терроризмнинг мавжуд эмаслиги		Хукумат самарадорлиги	
Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)
-1,54 (+0,11)	194 (-4)	-0,44 (-0,17)	149 (-14)	-0,51 (0)	138 (0)

Тартибга солиш сифати		Хукуқ устуворлиги		Коррупцияни тийиб туриш	
Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)
-0,94 (+0,05)	177 (+5)	-1,06 (-0,01)	181 (-2)	-1,05 (0)	176 (+3)



4. “Trace Matrix” порахўрлик матрицаси (+3 поғона).

“Trace bribery risk matrix” порахўрлик матрицасида Ўзбекистон 2017 йилда 66 балл билан (1 баллдан 100 балгача баҳоланади, 1 балл – энг ижобий) 189-ўриндан 2021 йилда 59 балл билан 147-ўрингача кўтарилиган.

Маълумот учун: “Trace bribery risk matrix” етакчи фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ, Жаҳон банки, Готенбург университети қошибаги V-Dem институти ва Жаҳон иқтисодий форумидан олинган тегишли маълумотларни жамлаган ҳолда 194 та мамлакатда бизнес юритиш давомида порахўрлик хавф-хатарларини баҳоловчи индекс ҳисобланади.

2020 йил		2021 йил	
Умумий Балл	Ўрин	Умумий Балл	Ўрин (+/-)
60	120	59 (-1)	147 (-3)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА



5. “Open data inventory” рейтинги (+124 погона)

Ўзбекистон Республикаси 2020 йилги ҳисоботида 124 погона қўтарилиб, умумий натижага кўра 45-ўринни эгаллаган.

Маълумот учун: **Open data watch** халқаро ташкилоти давлат органлари ва ташкилотлари томонидан эълон қилиб бориладиган очиқ маълумотлар сифати ва халқаро стандартларга мос равишда эълон қилиншишини ҳар 2 йилда баҳолаб боради.

2018 йил		2020 йил	
Умумий Балл	Ўрин (+/-)	Умумий Балл	Ўрин (+/-)
19	169	63 (+44)	45 (+124)

Сўнгги йилларда ушбу рейтингларнинг аксариятида Ўзбекистон Республикаси барқарор ўсишни қайд этиб келаётган кам сонли давлатлардан бири ҳисобланади.

Ижобий натижаларнинг асосий омиллари:

- давлат органларининг молиявий ва бошқа турдаги фаолиятлари очиқлиги таъминланаётганлиги, улар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилганлиги;
- давлат хизматига ишга қабул қилишнинг ошкора механизмлари йўлга кўйилаётганлиги, ер участкалари, давлат активлари ва бошқа турдаги молмулклар ҳар қандай фуқаро қатнашиши мумкин бўлган онлайн аукционларда реализация қилинаётганлиги;
- ахолига 150 дан зиёд давлат хизматлари бюрократия ва инсон омилисиз кўрсатилаётганлиги.

3.2. Халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди жумладан:

- 2021 йил 8 февралдаги** “Сайллов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-670-сон Қонуни билан сиёсий партияларнинг молиявий ҳисобдорлигига бўлган талаблар соддалаштирилиб, БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси қоидалари талабларига мослаштирилди;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

2021 йилнинг ноябрь ойида Конвенциянинг 10-моддаси (давлат секторида ҳисобдорлик) талабларини бажариш ва коррупцияга қарши маҳсус тадбирларни хусусий секторга жорий этишга фаол кўмаклашиш мақсадида Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман ҳамда Агентлик томонидан **Ўзбекистон бизнесининг Коррупцияга қарши курашиш хартияси** ёълон қилинди;

Конвенциянинг 10-моддаси (Давлат секторида ҳисобдорлик) талабидан келиб чиқиб, **2021 йил 16 июнда** Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг шаффоғлиги ва ҳисобдорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг

“Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ, очиқ ёълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик мълумотлар рўйхати тасдиқланди;

2021-2022 йиллар учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида Конвенция талабларига мувофиқ, Жиноят кодексида коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш, коррупцияга оид жиноятлар учун белгиланган жазо чораларини узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасигача кучайтириш, даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган ноқонуний бойлик орттирганлик учун жавобгарлик ўрнатиш ҳамда коррупцияга оид жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноий жазони ўташда енгиллаштирувчи нормаларни қўллашга чеклов ўрнатиш белгиланди.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг навбатдаги (II ва V боблари) иккинчи обзорини юқори даражада ташкил этиш мақсадида Агентлик директори ва Бош прокурор раҳбарлигига **2 та ишчи гуруҳ ташкил этилиб, обзор доирасида БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва Жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган маҳсус саволномага **40 дан** ортиқ вазирлик ва идоралардан жавоблар умумлаштирилди.**

Ҳозирда Ўзбекистоннинг жавобларини кўриб чиқаётган халқаро эксперталар фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида БМТ ГЖБ маслаҳатчилари томонидан уларни таржима қилиш ишлари олиб борилмоқда.



Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти Истанбул Ҳаракатлар режаси 5-раунд мониторингини юқори даражада ўтказиши мақсадида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши томонидан тасдиқланган 4-раунд натижалари бўйича Ўзбекистонга берилган тавсиялар таҳлил қилиниб, уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ҳамда мазкур чора-тадбирлар режаси ижроси Агентлик томонидан назоратга олинган.

Ҳозирда 5-раунд мониторингини ўтказиши бўйича янги методика Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ишлаб чиқилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Ҳамкорликдаги лойиҳалар. Ўтган давр мобайнида БМТ ГЖБ, БМТ Таракқиёт дастури, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бир қатор лойиҳалар амалга оширилди:



UNODC

United Nations Office on Drugs and Crime
Regional Office for Central Asia

БМТ ГЖБ билан ҳамкорлика “**Марказий Осиёда самарали бошқарувда фуқаролик жамиятларининг салоҳиятини кучайтириш**” лойиҳаси (мазкур лойиҳа доирасида коррупцияни қабул қилиш миллий индекси методологияси ишлаб чиқилди, норматив ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш усувларини такомиллаштириш, социологик тадқиқотлар олиб бориш, хорижий давлатларнинг тажрибасини жойида ўрганиш каби масалаларда ҳамкорлик қилинди);



Агентлик ва ЕХХТ ўртасида 2021-2022-йилларга мўлжалланган “**Коррупцияга қарши курашишда Ўзбекистонга кўмаклашиш**” лойиҳаси (давлат органлари ва ташкилотлари очиқлигини таъминлаш ҳамда очиқ маълумотлар билан ишлаш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда);

– **Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва БМТ ТД** билан ҳамкорликдаги “**Ўзбекистондаги самарали, ҳисоб берувчи ва шаффоф бошқарув институтлари орқали коррупцияга қарши кураш**” лойиҳаси (адлия органлари ва муассасаларида “KPMG International” компаниясининг халқаро экспертизларини жалб этган ҳолда, коррупцияга қарши комплаенс-назорат тизими жорий этилди, адлия ва прокуратура органлари тизими ходимларининг малакаси оширилди, тарғибот-ташвиқот тадбирлари амалга оширилди, коррупция ҳолатлари тўғрисида Агентликка хабар берувчи платформа (eanticor.uz) ишлаб чиқилди ҳамда такомиллаштирилиб борилмоқда, “**Uzbekistan Anti-Corruption Digest**” онлайн журнали таъсис этилди).

2021 йил давомида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан қўйидагилар амалга оширилди:

1

Халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг аксилкоррупция фаолиятини амалга оширувчи масъул органлари ҳамда элчихоналар вакиллари билан **100 дан** ортиқ учрашувлар ва халқаро ҳамкорлар билан биргаликда **50 дан** ортиқ йирик анжуманлар (форум, конференция, давра сухбати, семинар, тренинглар) ташкил этилди.

Халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар коррупцияга қарши курашиш идоралари билан ҳамкорликка оид **6 та** ҳамкорлик тўғрисида Меморандум



OSCE



KPK
REPUBLIC OF SLOVENIA
COMMISSION FOR THE PREVENTION OF CORRUPTION
INTEGRITY | ACCOUNTABILITY | TRANSPARENCY



**KONRAD
ADENAUER
STIFTUNG**

(Қозогистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Тоҷикистон Республикаси Давлат молиявий назорати ва коррупцияга қарши курашиш бўйича агентлиги, Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонаси ва Ҳукуматлараро ҳамкорлик хизмати, Словения Коррупцияга қарши курашиш комиссияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро коррупцияга қарши курашиш академияси)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА



3 та ҳамкорлик дастури (БМТнинг Гиёхванд моддалар ва Жинояччилик бўйича бошқармаси; Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти; Конрад Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси) имзоланди.

2

Улар қаторида қуйидаги йирик ҳалқаро тадбирлар ўтказилди:

- 16-17-июн кунлари Тошкент шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатларининг коррупцияга қарши курашиш идоралари раҳбарлари ва омбудсманларининг 4-йифилиши ўтказилиб унда аъзо давлатлар мутасадди идораларининг **40 нафардан** ортиқ вакиллари иштирок этди;
- 13-16-декабрь кунлари Миср Араб Республикасида бўлиб ўтган БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси иштирокчи-давлатларнинг 9-конференциясида Агентлик директори раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди. Хусусан, конференцияда **“Ўзбекистонда аксилкоррупциявий ислоҳотлар тақдимоти”** бўлиб ўтди ҳамда **“Рақамлаштириш - коррупцияга қарши курашишда “кумуш ўқ” ҳисобланадими?”** Етакчи амалиётчилардан сабоқлар мавзусида маҳсус сессияда Агентлик раҳбари А. Бурханов, Бош прокуратура Академияси бошлиги Е. Коленко, Олий Мажлис Сенати қўмита раиси Н. Умаров ва Агентлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси А. Турсуновлар маъруза билан иштирок этди;
- 23-25 марта Иқтисодий Ҳамкорлик ва Таракқиёт ташкилоти томонидан Коррупцияга қарши курашиш ва ҳалоллик бўйича Глобал форумининг **“COVID-19 га жавоб ва ундан тикланиш жараёнларида коррупция ва ҳалолликнинг ўрни”** мавзусидаги сессиясида Ўзбекистон вакиллари иштирок этиб, коронавирус пандемияси даврида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ва давлат харидлари соҳасидаги аниқланган айрим коррупцион ҳолатлар, уларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида маълумот берилди;
- 3-декабрь куни **“Коррупцияга қарши курашиш ва очиқлик бўйича Тошкент форуми”** ўтказилиб, унда бир қатор нуфузли ҳалқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ ТД, БМТ ГЖБ, ЕХХТ, Европа Иттифоқи, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, **“Минтақавий мулоқот”** ҳалқаро нодавлат нотижорат ташкилоти, Коррупцияга қарши курашиш ҳалқаро академияси, Словения, Грузия, Хитой, Украина, Малайзия, Озарбайжон, Қозогистон каби мамлакатларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралари раҳбарлари, Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар, 100 дан ортиқ вазирлик ҳамда идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮФРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Амалга оширилган ҳамкорлик натижалари сифатида қўйидаги мухим натижаларни санаб ўтиш мумкин:

Коррупция ҳолатлари ҳақида Агентликни хабардор қилиш имконини берувчи маҳсус дастурий таъминот ишлаб чиқилди;



“Uzbekistan Anticorruption Digest” журнали таъсис этилди;

малака ошириш дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди (давлат хизматчилари, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ вакиллари учун);

комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича қўлланмалар тайёрланди;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш электрон тизими яратилмоқда;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар, давлат дастури ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилишида халқаро эксперtlар фикри олинди;

тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилди;

декларация тизимини жорий этиш учун хорижий давлатлар билан ишчи учрашувлар ташкил этилди;

турли шакллардаги ижтимоий сўровлар ташкил этилди;

EXXT ва БМТ ТД билан лойиҳалар ишга туширилди;

Жаҳон банки билан алоқалар ўрнатилди, халқаро индексларда ўсиш қайд этилмоқда.

IV БОБ. КОРРУПЦИЯ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ ВА ТАДҚИҚОТЛАР

4.1 Таълим ва малака ошириш тизими

Коррупцияга қарши курашиш йўналишида таълим ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида 2021 йилда Давлат бошқаруви, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги академиялари ва Тошкент давлат юридик университетида талабалар ва давлат хизматчилари учун **алоҳида фан модуллари** ташкил этилди.

Шунингдек, бир қатор умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурлари **коррупцияга қарши мавзулар** киритилди.

Тошкент давлат юридик университетида 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб, магистратура босқичида 70420126 - “**Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати**” бўйича алоҳида магистратура мутахассислиги очилиб, мазкур мутахассислик ўқув режасига “**Иқтисодий ҳамда коррупцион жиноятларни квалификация қилиш муаммолари**”, “**Коррупцияга қарши курашиш: умумназарий масалалар**”, “**Коррупцияга қарши курашишда “комплаенс-назорати” тизими**” номли 5 та фан модуллари тасдиқланниб, ўқув машгулотлари олиб борилмоқда.

Талабаларни коррупция муаммоларини тадқиқ қилишга йўналтириш мақсадида 2021-2022 ўқув йили учун бакалавр таълим йўналишлари учун тасдиқланган ўқув-режасида жиноий одил судлов факультети 4-босқич талабалари учун бир семестрга мўлжалланган “**Коррупцияга қарши курашиш ва “комплаенс-назорат”**” номли фан модули киритилди.

Шу билан бирга, 2020-2021 ўқув йилида магистратура ва бакалавр босқичи талабалари томонидан “Коррупцияга қарши кураш: миллий ва хорижий тажриба” “Судлар фаолиятида коррупциянинг олдини олишнинг ташкилий-ҳукуқий муаммолари”, “Коррупция жиноятларининг олдини олиш ва уларга қарши курашишда жиноят-ҳукуқий чоралар”, “Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик ва уларнинг криминологик тавсифи” мавзуларида тадқиқотлар олиб борилди.

ТДЮУ ва “Минтақавий мулоқот” ХННТ (Словения) билан ҳамкорлигида **“Коррупцияга қарши кураш ва мувофиқликни назорат қилиш”** мавзусида маҳсус курс ташкил этилиб, талабаларга ушбу йўналишда дарслар ўтилди.

Ички ишлар вазирлиги тизимида соҳа ходимларининг ушбу йўналишдаги билим ва малакасини ошириш мақсадида вазирликнинг 2021 йил 29 октябрдаги “Коррупция давлат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮФРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

ва жамият тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлигини аҳоли ва ички ишлар органлари ходимлари онгига сингдириш бўйича чора-тадбирлар Режаси” ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилган.

ИИВ Академиясида коррупцияга қарши курашиш бўйича таълим беришга масъул шахсларнинг малакасини ва касбий тайёргарлигини ошириш ва баклавриат ҳамда магистратура талабаларининг ўқув режаларига ўқитилиши мажбурий бўлган “**Коррупцияга қарши курашиш асослари**” (42 соат), “**Коррупцияга қарши курашни ташкил этиш**” (64 соат), “**Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати**” (84 соат) каби ўқув дастури ва фан соатлари киритилди.

Академия профессор-ўқитувчилари томонидан коррупцияга қарши курашиш илмий-методологик асосларини такомиллаштириш мақсадида “**Ички ишлар органларида Коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши хулқ-атворини шакллантириш**” йўналишида қатор ўқув-услубий кўлланма, дарсликлар чоп этилиши ҳамда илмий тадқиқотлар олиб борилиши йўлга қўйилди.

Бош прокуратура академияси томонидан вазирлик ва идораларнинг коррупцияга қарши курашиш ва “комплаенс-назорат” тизимиға масъул бўлган ходимлари учун “**Коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали идоравий чора-тадбирлар ташкил этилишини таъминлаш**” мавзусидаги қисқа муддатли масофавий ўқув курслари ишлаб чиқилиб, Академиянинг ахборот-ўқув платформасига жойлаштирилди.

Мазкур ўқув курси орқали **30 дан ортиқ** давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг **400 нафарга** яқин хизматчиси **малака ошири**.

Шунингдек, прокуратура органлари ходимлари учун “**Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги долзарб муаммолар**” модули бўйича масофавий электив ўқув курслари ишлаб чиқилиб, унда **60 нафарга** яқин тизим ходимлари малака ошириди.

БМТ Тараққиёт дастури кўмагида Агентлик вакиллари билан ҳамкорликда “**Фарғона водийсидаги ёшлар ижтимоий ўйғунлик учун**” қўшма дастури доирасида Фарғона водийсидаги давлат органларининг ёш хизматчилари учун “**Коррупцияга қарши курашиш ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш**” мавзусида масофавий ўқув курслари ишлаб чиқилиб, 2021 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида уларнинг масофавий қисми ва бевосита Андижон, Намангандеги ҳамда Фарғона вилоятларида **300 нафар** давлат хизматчилари учун тренинглар ташкил этилди.

4.2. Социологик, махсус, илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ҳолати

Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши қарорларига асосан, аҳолининг турли қатламлари орасида сўровлар ўтказиш кўлами ортмоқда. Хусусан, 2021 йилда ёшлар, тадбиркорлар ва кенг аҳоли ўртасида турли ижтимоий сўровлар ташкил этилди.



Билан биргаликда

“Ёшлар коррупцияга қарши курашга жалб этиляптими?” мавзусида сўров ўтказилди:

16 189 нафар ёшлар иштирок этган

Респондентларнинг **81%** коррупцион ҳолатлар ҳақида хабар беришга тайёр

39% респондентлар эса пора беришни коррупция деб ҳисобламаслигини билдирган

56% респондентлар коррупцияга қарши курашга ўзларини жалб бўлганлигини ҳис қилган, аммо яна **36%** бу саволга йўқ жавобини берди

“Ёшларни коррупцияга қарши курашга жалб қилишнинг энг самарали усули қандай?”
деган саволга

Ёшлар билан коррупция оқибатларини муҳокама қилиш **18%**

Коррупцияга қарши тадбирларни ташкиллаштириш **17%** жавобларини белгилашган.



Маркази томонидан эса 2021 йил декабрь ойида Коррупцияга қарши курашиш бўйича **давлат сиёсати, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолияти** мавзусида сўров ташкил этилган.

Сўров натижаларига кўра, аҳолида ушбу иллатга муросасизлик, унинг жамият келажагига зарарли эканлиги тўғрисида етарлича фикрлар шаклланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮФРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Жумладан, аҳолининг **82 фоизи** коррупцияни ўзи учун долзарб муаммо сифатида қабул қиласди. Коррупцияга ҳақидаги хабарларни мунтазам кузатиб борувчилар **62 фоизни** ташкил этмоқда.

36 фоиз аҳоли коррупция, пораҳўрлик ва таъмагирлик ҳамма жойда мавжуд деб ҳисобласа, **37 фоизи** айрим соҳаларда коррупцияга оид жиноятлар мавжуд деган фикрда.

43 фоиз фуқаролар мамлакатимиизда коррупцияга қарши курашиш анча муваффақиятли олиб бориляпти, деб ҳисоблайди. Респондентларнинг **19 фоизи** эса етарли даражада муваффақиятли эмас ва кам самарали деган фикрда.

Аҳолидан коррупцияни ёритиш даражаси сўралганда **69 фоиз** респондент етарли даражада ёритилаётганини билдиришган.

Коррупциявий ҳолатларга энг кўп дуч келадиган катламлардан бири-бу тадбиркорлар синфидир. Улар ўртасида “**Тадбиркорларининг банкларда кредит олишдаги муаммолари ва коррупция ҳолатларини ўрганиш**” мақсадида **10 000 нафардан** ортиқ тадбиркорлик субъектлари иштирокида ўтказилган сўров таҳлили қуидагиларни кўрсатди:

60 фоиз иштирокчи кредит олиш учун зарур хужжатлар билан банкка мурожаат қилганида, банк хужжатларни қабул қилмай, қайтарганини билдирган. **39 фоиз** респондентлар сўнгти икки йил давомида банклар фаолиятида **коррупция даражаси купайди** деган фикрда.

Банкларда қайси жараёнларда тадбиркор кўпроқ коррупциявий муносабатларга киришишга **мажбур бўлиши** ҳам сўралганда **54 фоиз** кредит маблағларини олишда, **20 фоиз** давлат грантлари ва имтиёзлари олишда, деб жавоб беришган.



Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан манфаатдор идоралар билан биргаликда “**Ўзбекистонда биринчи антикоррупция лабораторияларини яратиш**” лойиҳаси доирасида “**Болаларни мактабга қабул қилиш босқичида коррупциявий хавф-хатарлар**”ни ўрганиш бўйича тадқиқот ўтказилди.

(Тадқиқот Агентлиқ, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилди. Лойиҳа мақсади – экспертилек лабораторияларини ташкил этиши ва республика миқёсида коррупциявий хавф-хатарларни ўрганиш, тадқиқотларга кенг жамоатчиликни жалб этиши. Биринчи босқич бошлангич мактабга қабул қилишида коррупция хавфи ва ҳалолликни баҳолашига қаратилди).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Тадқиқот Ўзбекистондаги **114 та** мактабдаги бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналари, бошланғич синф ўқитувчилари ва мактаб директорларини қамраб олди. Май – июнь ойларида **14 та** вилоятдаги **114 та** мактабда кенгайтирилган сўровлар ўтказилди, бунда **28 та** шаҳар, **31 та** туман маркази, **31 та** қишлоқ аҳоли пункти қамраб олинди. Тадқиқотда жами **4 920 нафар** респондент, шу жумладан, **114 нафар мактаб директори, 1 563 нафар бошланғич синф ўқитувчиси, 3 243 нафар ота-она** иштирок этди. Тўпланган барча маълумотлар тизимлаштирилди ва таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари асосида бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Мактабга қабул қилишда шаффоффликни таъминлаш бўйича кечикириб бўлмас чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, бунда, ота-оналар кенг жамоатчилик ва мутахассислар (психолог, педиатр, дефектолог) иштирокини таъминлаш;
- Махсус тиббий маълумотномалар (086/У форма)ни беришнинг мавжуд тартибини танқидий ўрганиш ва тиббий кўрикдан ўтишнинг ҳаққонийлигини, қўйилган ташхиснинг ҳақиқатга мувофиқлигини таъминлаш;
- Аҳоли ўсишининг узоқ муддатли прогнозини инобатга олиб, умумтаълим мактабларининг намунали лойиҳаларини ишлаб чиқиши. Бунда мактабларнинг географик жойлашуви ўзига хосликларини ва жаҳон тажрибасини эътиборга олиш;
- Очиқ маълумотлар электрон тизимидан фойдаланган ҳолда Халқ таълими вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмаларидан бошлаб, ҳар бир мактабгача бўлган фаолиятнинг (қабул қилиш, ўқитишни ташкил этиш жараёни, аттестация, ҳисобот бериш жараёни) шаффоффлигини максимал даражада ошириш.

5. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан **2021 йил 16 февралдан - 6 апрелга** қадар бўлган вақт оралиғида Республикадаги криминоген вазияти мураккаб бўлган ҳудудларнинг ҳуқук-тартибот идоралари фаолияти аноним тарзда аҳоли билан сўров ўтказиш орқали ўрганилди. Мазкур сўровномада жами **5 883 нафар** фуқаролар ва

4067нафар Ичкиишлар органлари ходимлари иштирок этди. Ўрганишларда ҳуқук-тартибот идораларида коррупциявий хавф-хатарлар мавжудлиги аниқланиб, уларни бартараф этишга қаратилган **таклифлар** ишлаб чиқилди.

Ўтказилган социологик тадқиқотлар таҳлили Агентлик фаолияти ва умуман аксилкоррупция сиёсати йўналишларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Масалан, соҳада коррупцияни камайтириш мақсадида Марказий банк билан биргаликда банк соҳасида **“Коррупциясиз соҳа”** лойиҳаси ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Х У Л О С А

2021 йилда коррупцияга қарши кураш борасида амалга оширилган ишлар сарҳисоби бу соҳада айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги билан бир қаторда коррупцияга қарши курашишнинг норматив-хуқуқий, ташкилий-амалий ва институционал асосларни яратиш ҳамда такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор ижобий натижаларга эришилганлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, коррупция даражасини баҳолаш бўйича халқаро ташкилотларнинг рейтинг натижалари ҳам Ўзбекистонда бу борадаги ишларнинг ижобий томонга ўзгариб бораётганлигини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш ишларини изчиллик билан давом эттиришимиз ва келгусида амалга оширишимиз лозим бўлган қўйидаги вазифалар мавжуд:

- 1** Коррупцияга қарши курашишнинг янги воситаларини ишлаб чиқиши давом эттириш;
- 2** Хуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар билан маълумотлар алмашиш, амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар ижросини таъминлаш, тажриба алмашиш, ходимларни касбга йўналтириш ва малакасини ошириш, соҳаларда тадқиқотлар ташкил этиш борасидаги ҳамкорликнинг реал механизмларини яратиш;
- 3** Коррупцион жиноятларнинг таҳлили (жиноят тури, соҳа ва ҳудуд)дан келиб чиқиб, уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда маълумотларни умумлаштириш;
- 4** Жамоатчилик, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш;
- 5** Халқаро стандартларнинг талаб таклифлари ижросини таъминлаш;
- 6** Давлат хизматида рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш орқали “инсон омили” таъсирини камайтириш;
- 7** Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тузилмаларини жорий этиш ҳамда улар фаолияти очиқлигини таъминлаш;
- 8** Талабаларда “ҳалоллик” иммунитетини шакллантириш учун олий таълим муассасаларининг ўқув дастурлари ва режаларига коррупцияга қарши курашиш ҳамда олдини олиш бўйича мавзуларни киритиш;
- 9** Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тизимда коррупция муҳити юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказиб бориш амалиётини жорий қилиш.

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Мамлакатда коррупцияга қарши курашиш соҳасида жорий ҳолат, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва эксперталар доирасида берилган тавсияларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишни самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида соҳада ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва изчил давом эттириш талаб этилади.

- 1** Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини таъминлаш механизмларини тартибга солишда ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишдаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш;
- 2** Давлат хизмати тизимининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффофф тартибига асосланган давлат хизмати тизимиши шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупцияни олдини олишнинг бошқа механизмлари аниқ рўйхатини белгилаш;
- 3** Суд ҳокимиятининг янада кучайтириш, бу йуналишдаги ҳамкор халқаро ташкилотларнинг тавсияларини тизимли равишда миллий қонунчиликка имплементация қилиш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл тажрибасини инобатга олган ҳолда тубдан такомиллаштириб бориш;
- 4** Давлат хизматчиларининг мол-мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақларини етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- 5** Давлат харидларининг самарали ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, уларни амалга оширшда ошкоралик, шаффоффликни таъминлаш ҳамда рақобат мухитини қўллаб-қувватлаш, шунингдек харид қилиш тартиб-таомилларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш;
- 6** Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантиришнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

- 7** Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтиришга бўлган эътиборни янада ошириш;
- 8** Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффоғлигини ошириш, шунингдек соддалаштирилган маъмурий тартибтаомилларни жорий этиш ҳамда давлат органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш ва етказилган зарар ўрнини қоплашнинг самарали механизмларини белгилаш;
- 9** Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш мақсадида уларни коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб этиш тизимини такомиллаштириш;
- 10** Иқтисодиётнинг хуфиёна айланмаси юқори улушга эга бўлган тармоқларда (қишлоқ хўжалиги, савдо, қурилиш, транспорт) коррупциявий хавф-хатарларни мақсадли бартараф этиш;
- 11** Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш мақсадида уларни коррупцияга қарши курашиш дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида кўрсатиб ўтилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида норматив-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш ҳамда ташкилий институционал йўналишларда бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Норматив-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш йўналишида:

- 1** Ўзбекистон Республикасининг “**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида**”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, давлат органларида коррупциявий **хавф-хатарларни баҳолаш**, коррупцияга қарши **ички назорат тузилмаларини** ташкил этиш, сиёсий партияларнинг молиялаштиришнинг **очиқ ва шаффоғлиги**, давлат органларида коррупцияга қарши стандартларни жорий этиш механизмларини белгилаш орқали такомиллаштириш;
- 2** Жисмоний ва юридик шахслар томонидан давлат органларига бегараз (ҳомийлик) ёрдам кўрсатиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш;

Жумладан, давлат органининг мансабдор шахси ёки хизматчиси жисмоний шахсларни пул маблағлари ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ ҳомийликка **мажбурий жалб этганлик учун жавобгарлик** чораларини белгилаш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА**

3 Давлат хизматчиларига хорижда ҳисобрақамлар очиш ва эгалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлишга оид чеклов ўрнатиш бўйича норматив-хукуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши.

4 Кўйидаги норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини **қабул қилишни** якунига етказиши:

- "Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисида"ги қонун;
- "Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тўғрисида"ги қонун;
- "Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестрини юритиш тўғрисида"ги қонун;
- Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодекси;

Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш йўналишида:

- Давлат органлари ва ташкилотларида ички назорат тузилмалари **штатлар сонини** ташкилот фаолияти хусусияти, ходимлар сони ва коррупциявий хавф-хатарлар даражасидан келиб чиқиб белгилаш бўйича аниқ мезонларни ишлаб чиқиши;
- Босқичма-босқич коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларига қўйиладиган **малака талабларини** белгилаш;
- Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларини мажбурий тартибда **малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиб бориш** амалиётини йўлга қўйиши;
- Коррупцияга қарши курашиш агентлигига зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаётган, иш самарадорлиги паст бўлган ички назорат тузилмалари раҳбарлари ва ходимларини лавозимдан озод этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ижро этилиши шарт бўлган тақдимнома киритиш ваколатини бериш;
- Давлат органларида манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш мақсадида давлат хизматчиси томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш;
- Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш йўналишида давлат хизматчиларининг билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб бориш;
- Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақидаги маълумотларнинг кенг жамоатчилик иштироқида кўриб чиқилиши ҳамда уларнинг очиклиги ва шаффоғлигини таъминлаш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш йўналишида:

“Очиқ, шаффоф ва ҳисобдор ҳудуд” ва “Очиқ, шаффоф ва ҳисобдор вазирлик” лойиҳаларини амалга ошириш;

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқот тизимини йўлга қўйиш мақсадида Очиқ маълумотлар портали негизида “Очиқ мулоқот” веб-платформасини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шахар Кенгаши сессияларини телеканаллар, шунингдек, Интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилишини ягона электрон платформа асосида мувофиқлаштириб боришнинг самарали тизимини жорий этиш;

Давлат органи ва ташкилотларининг расмий веб-сайтида очиқ маълумотлар тўпламларини жойлаштиришда паспорт тизимини жорий этиш;

Очиқ маълумотлар тўпламидан фойдаланишни қулай қилиш ва мажбурий бўлган (ВМнинг 373-сон Қарорига мувофиқ) электрон давлат хизматлари кўламини кенгайтириш мақсадида уларни тизимлаштириш, расмий веб-сайт ва Очиқ маълумотлар порталидан ташқари маҳсус мобил дастур ёки алоҳида платформа орқали кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш.

Илова-1

2021 йилда Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш йўналишида қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатлар рўйхати

ҚОНУНЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-666-сон Қонуни (МЖтК 1758-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш)
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-729-сон Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-661-сон Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг маъмурӣ суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-662-сон Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-663-сон Қонуни.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

8. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-664-сон Конуни.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги “Суд қарорларини қайта кўриш институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-665-сон қонуни.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6252-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сон Фармони.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5171-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон Қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮГРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги “Норматив-хукукий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада тасдиқлаштириш чора-тадбирлари түгрисида”ги ПҚ-5263-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада тасдиқлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түгрисида”ги ПҚ-34-сон Қарори.

НИЗОМЛАР

1. 2021 йил 19 авгуустдаги “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши түгрисида”ги Низом.
2. 2021 йил 19 авгуустдаги “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Худудий кенгашлари түгрисида”ги Низом.

БУЙРУҚЛАР

1. Адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги “Норматив-хукукий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби түгрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Буйруғи Рўй.рақ-3287.
2. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2021 йил 8 сентябрдаги “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти түгрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш түгрисида”ги Буйруғи Рўй.рак-3319
3. Молия вазирининг 2021 йил 19 ноябрдаги “Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби түгрисидаги низомга ўзgartирисиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Буйруғи Рўй.рак-3013-2.
4. Адлия вазирининг 2021 йил 31 марта даги “Норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-хукукий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти ҳамда ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида”ги Адлия вазирининг Буйруғи Рўй.рақ-3292

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ТҮФРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮФРИСИДА
МИЛЛИЙ МАЪРУЗА
Ахборот таҳлилий маълумот.**

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2022.-60 б.

ЛОЙИХА РАҲБАРИ:
А. Бурханов

ТУЗУВЧИЛАР:

У. Тухташева, И. Абдуллаев, Ж. Бешимов, Б. Бурханиддинов,
А. Смаилова, Ф. Бойтўраев, Б. Рахмонов, О. Абдуғаниев, Ш. Сапаров, Ў. Номозбоев

-----ХК босмахонасида чоп этилди.

© Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2022 й.

**Биз билан боғланиш:
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги**

100070, Тошкент ш., Ш.Руставели кўчаси, 8А, (71) 202-04-02 (431).

